Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 49 (20.017) • 1988 йил 28 февраль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

Баҳорни қаршилаб

◆ Балиқчи районидаги В. И. Ленин номли колхоз заршуносларн бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилишган. Шу мақсадда хўжаликда дала ишларини тез ва соз адо этишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозиргача барча майдонлар икки марта яхоб сувига қондирилди. 800 гектар майдоннинг шўри ювилди. 8 минг квадрат метр ариқ-зовур тозаланди. 25 та сеялка, 30 та чопиқ, 12 та ҳайдов тракторлари, 6 та чизель, ҳашаротга қарши курашувчи 5 та агрегат сифат комиссияси томонидан «аъло» баҳога қабул қилинди.

С. ЙИГИТАЛИЕВ.

Беш йиллик план—муддатидан илгари

Республика пойтахтининг ишчилар синфи Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Шулардан бири Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси, КПСС аъзоси Роза Абдушахинадир. Меҳнатсевар аёл конференция шарафига бошланган социалистик мусобақага биринчилар қаторида қўшилди ва ҳар қачонгидан ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлашга киришди. Айни вақтда у 1990 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот етказиб бермоқда.

Бунинг учун ўзи бошқараётган дастгоҳлар миқдорини икки баробар оширди. Яна шуниси қувончлики, у ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ҳаммаси аъло сифатга қабул қилиб олинаётир.

Роза Абдушахининг Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига олган социалистик мажбуриятида шахсий беш йиллик топшириғини ортиғи билан бажариш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси алоҳида қайд этилган. Ғайратли ишчининг шу кунлардаги баракали иши юксак маррани эгаллашга ва кўзлаган манзилига яна ҳам олдинроқ етиб боришига кўмаклашмоқда.

Суратда: илғор ишчи Р. Абдушахина.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ— КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Тоғли Қорабоғдаги ва унинг теварагидаги воқеалар муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 26 февраль куни Озарбайжон ҳамда Арманистон меҳнаткашларига, ҳалқларига мурожаат қилди.

Бизнинг турмушимизда ҳал қилинмаган муаммолар бор, дейилади мурожаатда. Аммо низоларни ва ҳалқларнинг бир-бирига ишончсизлигини ўзаро ўлдириш ана шу муаммоларни ҳал этишга халақит қилади, холос. Бундай ҳол бизнинг социалистик принципларимизга ва бизнинг ахлоқ-одобимизга, совет кишиларининг дўстлиги ва қардошлиги анъаналарига зид бўлур эди.

Мурожаатда КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумларидан бирини СССРда миллий муносабатларнинг ривожланишига махсус бағишлаш ҳамда социал-иқтисодий, маданий муаммолар ва бошқа муаммоларни конкрет равишда ҳал этиш йўлларини белгилаб олиш мўлжалланганлиги эълатиб ўтилади.

Мурожаатда озарбайжон ва арман халқлари ўртасида Совет ҳокимияти йиллари мобайнида таркиб топган дўстлик анъаналарини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, гражданлик етуклигини ва вазминликни намойиш қилишга даъват этилган.

Бу мурожаат Озарбайжон ва Арманистон ССРда қандай қутиб олинганлигидан ТАСС мухбирлари ўтказган қўйидаги суҳбатлар далолат беради.

С. Арутюнова, Боқудаги «Геофизприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси радиоаппаратлар монтажчиси:

— Миллатим арман бўлиб, СССРдаги қардош халқларнинг бирига мансублигим билан фахрланаман, миллий мансублигидан қатъи назар, СССРдаги барча кишилар баб-баравар ҳуқуқ ва имкониятларга эгадирлар. Мен Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси эканлигимнинг ўзиёқ шундан далолат бермайдими, ахир!

Мен ишлаётган коллективда турли миллатларнинг намояндалари меҳнат қилмоқдалар. Биз ҳеч қачон озарбайжонлар ва арманлар, руслар ва грузинлар ўртасида айирмачилик қилмаганмиз: ҳар бир кишига ҳозирги пайтда бизни бирдан-бир ажратиб турадиган белги — меҳнатига қараб баҳо берилади. Чунки ҳаммамиз ҳозир битта буюк иш — қайта қуриш билан бандмиз, мамлакатимиздаги ҳар бир миллатнинг, ҳар бир элатнинг, ҳар бир оила ва ҳар бир кишининг тақдири ана шу қайта қуришнинг муваффақиятига боғлиқдир. Аёл сифатида мен фарзандларимизга миллий адоват таҳдид қилишини маъқуллай олмайман.

Михаил Сергеевич Горбачев Озарбайжон ва Арманистон меҳнаткашларига, ҳалқларига мурожаатида тўғри айтди: бундай масалаларни ҳал қилишни стихия ва ҳис-туйғулар ихтиёрига ташлаб қўйиш мумкин эмас, ҳалқларимизнинг интернационал жипслигига заррача ҳам зиён етказилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир биз ҳаммамиз мумкин қадар кўпроқ ақл-фаросат ва осойишталикни, мумкин қадар кўпроқ вазминлик ва интизомни намойиш қилишимиз керак.

С. Петросян, Арманистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, «Наирит» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчилари бригадири:

— Мен ишчи сифатида республикада содир бўлаётган воқеаларга ишчи нуқтаи назаридан қарамоқчиман. Кейинги кунларда Тоғли Қорабоғдаги воқеалар муносабати билан одамлар ўз иш жойларини тарк этиб, намойиш ва митингларда қатнашаётганликлари сабабли Ереван шаҳридаги бир қанча саноат корхоналарида иш изидан чиқиб турди.

Бундай аҳвол ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Чунки план топшириқларини бажариш, бинобарин, республикани социал ривожлантириш программасини амалга ошириш хавф остида қолди. Ҳолбуки, олдимизда кенг миқёсли вазифалар турибди — бу йил Арманистоннинг кўпгина корхоналари янги иқтисодий шароитда ишлай бошлади.

Бундай стихия нохуш натижаларга олиб келиши мумкин, бой берилган вақтнинг ўрнини қоплаш эса қийин бўлади. Шу боисдан ҳам биз ўртоқ М. С. Горбачевнинг мурожаатини маъқуллаймиз. Халқ билан айни шундай сўзлашиш — чуқур сиёсий умумлашмалар билан холис ахборотни рўйрост бериш керак. Ана шу мурожаатнинг ҳар бир сўзи, ундаги фикр ленинча миллий сиёсат тантанаси йўлида, қайта қуриш ғояларининг манфаати йўлида республикаларимиздаги вазиятни барқарор қилишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Мен туғилган Шушада озарбайжонлар билан арманлар азалдан бирга яшаб келишади, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Шушадаги Шарқ музика асбоблари фабрикасининг ходимаси **М. Е. Акопжанян** (Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном области). Оиларимиз фарзандлари бир-бирлари билан уч тилда муомала қилишади. Агарда улар бирданига лоақал шу тилларнинг бирида сўзлашмай қолишса, бу ҳол биз энг муҳим нарсани — социалистик интернационализмимиз тилини тушунмай қолганлигимизни англатади. М. С. Горбачев ўз мурожаатида таъкидлаганидек, ленинча миллий сиёсатнинг моҳияти шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир миллат эркин ривожлана олиши, ҳар бир халқ ижтимоий-сиёсий турмушнинг барча соҳаларида, она тили ва маданиятида, урф-одатлари ва динида ўз эҳтиёжларини қондира олиши керак. Бу сўзлар қалбимга жуда яқин бўлиб, автоном областимизда вужудга келган кескин вазият озарбайжон ва арман халқлари ўртасидаги дўстликка путур етказа олмайди, деб ўйлайман.

С. Мусаев, П. Монтин номидаги Боку машинасозлик заводи қуювчилар комплекс бригадасининг бошлиғи:

— Тоғли Қорабоғ автоном областида рўй берган воқеалар кўпмиллатли бутун коллективимизни ҳаяжонга солди. Коллективимизда эса руслар ҳам, озарбайжонлар ҳам, арманлар, ҳам, грузинлар ҳам бор... Биз ҳаммамизни ҳамиша муштарак манфаатлар боғлаб турганига кўникиб қолганмиз. Қийинчиликларни биргаликда бартараф этганмиз, муваффақиятсизликлардан биргаликда қуйинганмиз, муваффақиятлардан эса бирга қувонганмиз. М. С. Горбачевнинг мурожаатини тинглай туриб, биз худди мана шуларни ўйладик. Бригаданинг барча аъзолари, шу жумладан, арманлар — Николай Маркаров билан Юрий Отаров ҳам бизнинг ўй-фикрларимизга тўла-тўкис қўшилмоқдалар. Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитетининг ушбу масала хусусидаги позициясини чуқур англаб мақуллаймоқдамиз, ўзимиз учун тегишли хулосаларни чиқариб оламиз — сиёсий етукликни намойиш қилиб, қайта қуриш йўлида, жамиятимизни революцион тарзда янгилаш манфаатларини кўзлаб яна ҳам зўр ғайрат билан ишлайверамиз.

Бундай воқеа қандай қилиб содир бўлганлигини бир ўйлаб кўрайликчи. Биз миллий масалага, интернационал тарбияга етарлича эътибор бермай, ҳаддан ташқари узоқ вақт беғам бўлиб келганлигимиз, ўз ишимизда турли миллатларнинг психологияси ва манфаатларини эътиборга олмаганлигимиз шунинг сабаби эмасмикан? Республика Олий Советининг депутати, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси сифатида бутун қалбдан шуни эътироф этишим керакки, ҳа, биз кўп нарсани эътиборсиз қолдирдик. Интернационализм ғоялари ҳар бир кишининг ақли ва қалбига етказилиши учун, улуғ Ғалабамиз — совет халқларининг қардошларча дўстлиги барқарорлигини ҳеч қандай шубҳали важ-карсонлар бўшаштира олмаслиги учун биз ҳали кўп куч-ғайрат сарфлашимизга тўғри келиши равшан.

Г. Капланян, СССР халқ артисти, Арманистон театр арбоблари союзи правлениесининг раиси:

— Бизнинг бутун тарихимиз, ютуқларимиз — ҳар бир республика СССР халқларининг қардошлик оиласида уйғун ривожланиш имконини олганлигининг далилидир. Аммо бу ғап барча муаммолар ҳал қилинди, деган маънони билдирмайди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг мурожаатида ҳаққоний айтилганидек, Тоғли Қорабоғ автоном областида талайгина камчилик ва қийинчиликлар йиғилиб қолган. Ҳозирги воқеалар шуни кўрсатдики, бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган бир қанча муаммоларни ҳал қилиш учун, жумладан, маданиятларни ўзаро бойитиш масалаларига ҳам конкрет равишда комплекс ёндашиш керак. Бу соҳада биз, арманлар билан озарбайжонларнинг баҳам кўрса арзийдиган ютуқларимиз бор. Келинг, қизғин баҳслар ва гапсўзларни бир четга йиғиштириб қўйиб, иш билан шуғулланайлик.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

25 февраль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Республика агросаноат комплексини (қишлоқ хўжалигини) 1988 йилда ривожлантиришнинг қўшма плани лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳани муҳокама қилиш чоғида биринчи марта қўшма план колхозлар, совхозлар ҳамда агросаноат комплекси составига кирадиган бошқа корхоналарнинг таклифлари асосида, шунингдек «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунини назарда тутган ҳолда тузилганлиги таъкидлаб ўтилди. 1988 йилда барча категориядаги хўжаликларда беш йиллик планда шу йил учун мўлжалланган даражада, 1987 йилдагига нисбатан 16,8 процент кўпроқ ялпи маҳсулот етиштириш кўзда тутилади. Пахта майдонларини камайтириш ҳисобига озуқабоп экинлар, картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонини янада кенгайтириш белгиланади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини қўйидагича кўпайтириш кўзда тутилмоқда: чорва моллар ва паррандa (тирик вазнда) 10,7 процент, сут 11,2 процент, тухум 3,9 процент кўпайтирилади. Умуман аҳоли жон бошига деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари истеъмол қилиш кўпаяди.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

26 февраль куни КПСС Марказий Комитетида идеология идораларининг, оммавий ахборот воситаларининг ва академия ижтимоий фанлар институтларининг раҳбарлари билан кенгаш бўлиб ўтди. Бу кенгаш КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси» деган нутқи асосида идеология ишининг вазифаларига бағишланди.

Кенгаш қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Яковлев нутқ сўзлаб, қайта қуриш янги босқичининг бошланиши кўпдан-кўп янги масалаларни ўртага қўяётганини, одат бўлмаган кўпгина ишларни юзага келтираётганини, бу масалаларни ижодий ҳал этишни, уларга ошкора психология билан конкрет ёндашишни, кундалик ишларда асосий мақсад туйғусини унутиб қўймасликни талаб қилаётганини таъкидлади.

Шу сабабли ҳам М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуидаги докладида, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумидаги нутқида тарих ва ҳозирги замон, жамиятимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг, идеология иши билан тарбиянинг боғлиқлиги, ички ва халқаро ишларнинг диалектикаси мавзулари қўйилди ва шу мавзулар зўр куч билан янгради.

Кенгаш қатнашчиларининг бутун диққат-эътибори аввало Пленум қарорларидан келиб чиқадиган амалий вазифаларга — ҳам ўрта ва олий мактабни қайта қуриш, бутун маориф комплексини ривожлантириш масалаларига оид, ҳам умуман қайта қуриш, уни идеологик жиҳатдан таъминлаш масалаларига оид вазифаларга қаратилди.

Марказий Комитет Пленуми арафасида мактаб муаммолари хусусида ўтказилган кенг миқёсдаги ижтимоий мунозарада оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнаганлиги қайд этилди. Бу ижобий тажрибани ҳозир жамиятимизни тўлқинлантириб турган энг муҳим муаммоларга: қайта қуришда коллективнинг роли ва конкрет шахснинг ўрни, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг, демократиялашжараёнининг ҳақиқий борариши, жойларда ташаббус ва масъулиятни имкони борича кучайтириш, ҳамма тарздаги тайёрга айёрликни бартараф этиш йўллари хусусидаги мунозаларга ҳам татбиқ этса арзийди.

Қайта қуришда инсоннинг ҳал қилувчи аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Унинг сиёсий ва маънавий қиёфаси, маълумотлилиги ва эътиқодлилиги, ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг уюшқоқлиги ва интизоми, касб-кор маҳорати, унинг жамики шахсий хислатлари — қайта қуришнинг энг муҳим таркибий қисмларидир.

Шахснинг юксак фазилатлари, унинг социалистик онги матбуот ва телевидение, фан ва маданият орқалигина шаклланиб қолмайди. Онг негизлари — одамларнинг ҳақиқий ҳаётида, уларнинг бутун турмуш-турмушидадир. Ҳозирги идеология ишчи инсоннинг онгигагина эмас, шу билан бирга унинг турмушидаги барча омиллар, шарт-шароитлар комплексига ҳам мурожаат этади. У шахсни аввало мамлакатда амалга оширилаётган ўзгартишларнинг субъекти, бу ўзгартишларнинг фаол ва манфаатдор қатнашчиси, деб билади.

Жамиятнинг маънавий муҳитини турли-туман гуруҳбозлик, манфаатларнинг рақобати, маниловчилик ва афсонабозлик билан булғатмаслик-қайта қуриш давридаги идеология ишининг талабларидан биридир. Идеология ходиминнинг масъулияти ва билимдонлиги аввало унинг реал турмуш масалаларига, одамларни қизиқтираётган масалаларга мурожаат этишида, қайта қуриш давомида кўтарилаётган муаммоларнинг сабабларини кидириб топишида, уларни ҳал этишга изчиллик билан интилишида намоён бўлади.

Жамиятимизда тобора кўпроқ қарор топаётган ва бундан буён ҳам тобора ривожланиб, кенгайиб бораверадиган ошкоралик мақолаларнинг сифатини, мазмун савиясини оширишни қатъий талаб қилмоқда. Ҳозир мислсиз кенг доирадаги мураккаб масалалар жамоатчилик эътибори марказига қўйилмоқда. Ижтимоий онгда қайта қуриш ўтмишимиз тўғрисидаги ҳалол, тўла тасаввур билан, ҳозирги кунни рўйрост, масъулият билан таҳлил этиш, келажакка реалистик назар ташлаш билан, илмий ва гражданларча диёнат билан тўппа-тўғри, бевосита ва одилона боғланмоқда.

Бўлғуси Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига бошланган умумхалқ тайёргарлиги жараёнида оммавий ахборот воситаларининг, ижтимоий фанларнинг алоҳида роли таъкидланди. М. С. Горбачевнинг Марказий Комитет Пленумидаги нутқида ўртага қўйилган масалалар чуқур ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, қайта қуриш шароитида изчиллик билан амалга оширилиши керак.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

ОЧИҚ КОСМОСДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 26 февраль. (ТАСС). Учувчи бошқарадиган «Мир» комплексининг парвози программасига мувофиқ, Владимир Титов билан Муса Манаров бугун очиқ космик фазога чиқиб, қуёш батареясининг экспериментал секциясини монтаж қилдилар.

Москва вақти билан соат 12 дан 30 минут ўтганда космонавтлар ўтиш бўлмасининг ташқи туйнугини очдилар. Кейин улар зарур ускуналарни, асбобларни станциянинг ташқи сатҳига олиб чиқиб, учинчи қуёш батареясининг монтаж ишлари амалга оширилади-ган зонасига ўтдилар. Бу батареяни станцияга Юрий Романенко билан Александр Лавейкин ўтган йилнинг июнида ўрнатган эдилар. Конструкция жиҳатидан батарея остки ва устки агрегатлардан иборат бўлиб, бу агрегатларнинг ҳар бири фотоэлектрик энергия ўзгартувчи икки секцияли оиладиган фермаларни ўз ичига олади.

Космонавтлар махсус механизм ёрдамида батарея ферма конструкциясининг қуйи қисмини тахлаб, унинг секцияларидан бирини ажратиб олдилар ва бўшаб қолган жойга янгисини ўрнатдилар. Электр бўлинмалари туташтирилгандан кейин экипаж қуёш батареясини ёзиб, яна тўла узайтирдилар.

Батареянинг янги секцияси энергетика хоссалари яхшиланган ярим ўтказгич материаллардан ясалган фотоэлектрик энергия ўзгартувчи намуналар билан жиҳозланган. Янги секция қуёш батареяси очиқ космик таъсирига чидамлилигини ва унинг иши самарадорлигини ошириш мақсадида турли хил фотоэлементларни реал парвоз шароитида синаб кўришга мўлжалланган.

Космонавтлар станцияга қайтиш чоғида комплекснинг конструкцияси ташқи элементларини кўздан кечирдилар, бир қанча илмий асбобларни ўрнатдилар, очиқ космик парвоз шароитида узоқ вақт турган материаллар намунасини ажратиб олдилар.

Владимир Титов билан Муса Манаров 4 соату 25 минут давомида очиқ космосда бўлдилар. Улар белгиланган ҳамма ишларни юксак профессионал даражада бажардилар. Иккала космонавт ўзини яхши ҳис этмоқда.

Алоҳида китобча

«Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси» номли китобча босмадан чиқди. Унда М. С. Горбачевнинг 1988 йил 18 февралда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи ва КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори берилган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК—ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ СОҒЛОМЛИГИ БЕЛГИСИДИР

27 февраль куни Тошкентда В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлимининг таъсис конференцияси бўлди. Конференцияда неча юзлаб делегатлар — республика ишчилари ва колхозчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, болалар муассасаларининг раҳбарлари, қаҳрамон оналар, педагоглар иштирок этдилар.

Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев кириш сўзи билан очди.

В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлими ташкилот комитетининг раиси, шоир, Ҳамза номли Ўзбекистон давлат мукофотининг лауреати Э. Воҳидов доклад қилди.

Докладда ва нутқларда Улуғ Ватан уруши йилларида турли миллатларга мансуб юз мингдан кўпроқ етим, бошпанасиз қолган болалар Ўзбекистонда паноҳ топганлиги ҳақида гапирилди. Бу болалар мамлакатнинг фронт яқинидаги районлардан республикамизга келтирилган эди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳрихон ая 14 та етим боланинг бошини силаб, ўз оиласида тарбияладилар. Ўша кезлар Ўзбекистондаги минг-минглаб оилалар Шоаҳмад ака ва Баҳрон опадан ибрат олган эдилар. Мурувватли темирчи шарафига республикамиз пойтахтида ёдгорлик ўрнатилди. Кекса авлод вакиллари бошлаб берган инсонпарварлик анъаналари Ўзбекистонда шу кунларда ҳам давом эттирилмоқда.

Конференция делегатлари Ўзбекистондаги болалар уйлари ва интернатларида ҳозирги вақтда минглаб етим болалар ва ота-оналари қаровисиз қолган болалар тарбияланаётганлигини таъкидладилар. Аммо кейинги йилларда ҳамма ерда ҳам бундай болалар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмади, уларга зарур диққат-эътибор берилмади. Шу болаларнинг турмуши, ейиш-ичиши, дам олиши ва медицина қарови ҳали тегишли даражада эмас. Кенг жамоатчилик вакилларининг бу масалаларни ҳал этишдаги иштироки ана шу қамчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми қарорлари жамоатчилик ташаббусининг ривожланишига янги омил бахш этди. Кўпгина меҳнат коллективлари Совет болалар фондига катта пул маблағлари ўтказдилар. Болалар уйлари ва интернатларига оталик қилиш кенг қўламда ривожланмоқда. Бу борада республика партия ва ҳукумати кўраётган тадбирлар, бу тадбирларни амалга оширишда жамоатчилик вакилларининг иштироки етим болаларни тарбиялаш ишини яна ҳам юксак даражага кўтариш имкониятини беради, деб таъкидлашди делегатлар.

Конференцияда В. И. Ленин номли Совет болалар фонди правлениесининг раиси А. А. Лиханов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этдилар.

Конференцияда В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлимининг правлениеси сайланди. Э. Воҳидов правление раиси қилиб сайланди. И. Т. Юсупова правление раисининг биринчи ўринбосари, Г. А. Отабекова, А. П. Хлебушкина раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

(ЎзТАГ).

(Конференция тўғрисидаги батафсил ҳисобот республика газеталарининг нав. батдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

Битим ратификация қилинди

СССР Олий Совети Президиуми 1988 йил 23 февралдаги Фармони билан «Тишрин» гидроузели қурилишида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Сурия Араб Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган ва 1987 йил 18 июнда Дамашқда имзоланган битимни ратификация қилди.

(ТАСС).

Область Советларининг сессиялари

27 февраль куни халқ депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлди. Сессияда Тошкент областида 2000 йилга қадар Уй-жой программасининг асосий йўналишлари ва уни ҳал этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Сессияда область Совети депутатлари Ю. Умаров ва Т. Девизорованинг ўз депутатлик вазифаларини қандай бажарайётганликлари ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Сессия область ижроия комитетининг халқ депутатлари область Совети ижрокомининг бош ишлаб чиқариш-иқтисодий бошқармасини тузиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади.

Сессияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко иштирок этди.

* * *

Халқ депутатлари Андижон область Советининг 27 февраль куни бўлиб ўтган сессиясида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида область агросаноат комитетининг область колхозлари ва совхозларини хўжалик юритишнинг янги методларига ўтказиш соҳасидаги иши муҳокама қилинди.

Ленинск шаҳар ижроия комитетининг 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш ҳақидаги ҳисоботи юзасидан область Совети қабул қилган қарор қандай бажарилаётганлиги ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов нутқ сўзлади.

* * *

Халқ депутатлари Хоразм область Совети сессияси қатнашчилари 27 февраль куни КПСС XXVII съезди талаблари асосида 2000 йилгача мўлжалланган Уй-жой программаси қандай бажарилаётганлигини ҳамда уй-жой қурилиши сифатини яхшилаш тадбирларини муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Р. Худойберганова доклад қилди.

Область халқ контроли комитетининг 1987 йили иши тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Область Советининг олдинги сессияларида депутатлар киритган таклифлар ва айтган танқидий мулоҳазалар қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборот тингланди.

Сессияда Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Президиум тақдим этилган қўшма планни асосан маъқуллади ва Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига, «Главсредазирсовхозстрой»га, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми талабларига асосланиб, бу планни барча категориядаги хўжаликлар бажаришини таъминлаш учун, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини янада интенсивлаш, беш йиллик планда кўзда тутилган топшириқларни сўзсиз бажариш мақсадида қўшимча резервларни қидириб топиш учун ташкилий-снёсий тадбирлар комплексини таъминлашни топширди.

Министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг «Саломатлик» комплекс программасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятида йўл қўйилган катта камчиликлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида республика совет ва хўжалик органлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга доир талабларидан тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари уқтириб ўтилди. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги (ўртоқ С. М. Баҳромов) бу масалаларда ўзининг ишларни мувофиқлаштириб бориш ролини таъминлай олмаяпти, натижада республикада шифохоналардаги ўринлар тармоғини тартибга солиш, медицина ёрдамининг, айниқса оналар ва болаларга медицина ёрдамининг ихтисослаштирилган турларини ривожлантириш ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда. Республика педиатрия марказинқ ташкил этиш масаласи шу вақтга қадар ҳал этилмаган, болаларни соғлом қилиб тарбиялаш ва оилани тартибга солиш расмиятчилик билан пропаганда қилинмоқда, аҳолини диспансеризациядан ўтказиш савияси паст. Медицина кадрлари тайёрлаш қўйилаётган талабларга жавоб бермайди, кўп врачлар ва ўрта маълумотли медицина ходимларининг профессионал билимлари даражаси пастлигича қолмоқда.

Беш йилликнинг икки йили давомида соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида 44 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Бу маблағнинг ўзлаштирилиши қўшимча равишда 1950 ўринли касалхоналарни ва бир сменада 2600 кишини қабул қиладиган поликликаларни ишга туширишга имкон берган бўлур эди. Бухоро, Жиззах, Навоий ва Самарқанд областларида соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши учун ажратилган маблағлар етарли даражада ўзлаштирилмаяпти. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети (ўртоқ Т. Н. Набиев) программада белгилаб қўйилган топшириқларни бажаришда интизомсизлик қилди, сўнгги икки йил ичида 26 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 22 та фельдшер-акушерлик пункти қурилиши планини барбод этди. Бундай объектларни қуришда Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм областларида айниқса оғир аҳвол юз берди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Автомобиль транспорти министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, бошқа бир қанча министрликлар, шунингдек «Резинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғонадаги фуран брикмалари химия заводи ўзларига қарашли медицина-санитария қисмларини ўз вақтида ишга туширишни таъминламаяптилар. Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар, секинлик билан ҳал этилмоқда, бу эса касалланиб вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш кўпайишига олиб бормоқда. Айниқса қишлоқ аҳолисини водопровод суви билан таъминлашда ноқулай аҳвол юз берди, бу юқумли касалликларга чалинишнинг кўпайишига олиб боради.

Қабул қилинган қарорда Президиум Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги (ўртоқ У. К. Исмоилов), «Резинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси (ўртоқ Искандаров), Фарғонадаги фуран брикмалари химия заводи (ўртоқ Плеснин) ва пудратчи министрликларнинг раҳбарларини «Саломатлик» программаси сўзсиз бажарилиши учун улар шахсан жавобгар эканликларини огоҳлантирди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига Ўзбекистон ССР Госплани, бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари билан биргаликда программада кўзда тутилган топшириқларни яна бир бор пухта қайта кўриб чиқиб, республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволини тубдан яхшилаш учун конкрет чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш топширилди.

Мажлисда ижрони текшириш тарзида «Главсредазирсовхозстрой» (ўртоқ Э. Т. Турсунов) ва Жиззах область ижроия комитети (ўртоқ А. Ш. Ҳабибуллаев) раҳбарларининг Ульяново шаҳри уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантириш масалалари юзасидан республика ҳукумати фармойишларини бажариш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Бош бошқарма ва область ижроия комитети шаҳарда ремонт-қурилиш ишлари суръатини ошириш учун муайян тадбирлар кўришаётгани таъкидланди. 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, болалар боғчаси, 5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, йўллар қисман ремонт қилинди, уй-жой-коммунал хўжалигининг бошқа объектларида ҳам иш бажарилмоқда.

Шу билан бир қаторда «Главсредазирсовхозст р о й» ва унинг «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси планлаштириш, лойиҳалаштириш ва иш бажаришнинг ягона жараёнини таъминламадилар, молиявий ва моддий-техника таъминоти масалалари охиригача ҳал этилмаган. Кўрилаётган тадбирлар ҳозирча аҳолини иссиқлик, сув, газ ва электр энергияси билан узлуксиз ва ишончли таъминлаш ишини тубдан яхшилашга сезиларли таъсир ўтказмаяпти. Шулар ҳақида «Труд» газетаси «Ульяновода ўзгариш бўлаётгани йўқ» мақоласида ёзган эди. Муҳокама чоғида бундай вазият «Главсредазирсовхозстрой» ва Жиззах область ижроия комитети раҳбарлари назоратни сусайтириб қўйганликлари оқибатида юзага келганлиги таъкидланди, уларга тасдиқланган графикка мувофиқ шаҳарнинг уй-жой-коммунал хўжалик объектларидаги барча ишлар комплексини ўз вақтида ва сифатли ниҳоясига етказиш, сўнгра бу объектларни Ўзбекистон ССР Уй-жой ва коммунал хўжалик министрлиги системасида фойдаланиш учун топшириш таклиф этилди.

Фарғона областидаги хўжаликлараро корхоналарнинг чорва молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш соҳасидаги иш тажрибаси кўриб чиқилди. Шу мақсадда областда 123 та колхоз ва совхоз, яъни пайчиларни бирлаштирган 13 та хўжаликлараро корхона ташкил этилган. Барча хўжаликлараро корхоналарда ўзларининг мустаҳкам озуқа базасини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда, сўнгги икки йил ичидагина уларга 1206 гектар суғориладиган ер қўшимча тарзда бириктириб қўйилди, бу корхоналарнинг ўзи етиштирган озуқа умумий ем-хашак ҳажмининг 74 процентини ташкил этади, чорва молни боқишнинг интенсив, чиқитсиз технологияси жорий этилган. Бўрдоқичилик хўжаликлари малакали мутахассислар, зарур қишлоқ хўжалик техникаси, ўрим-йиғим агрегатлари, озуқани қайта ишлайдиган машиналар ва транспорт воситалари билан асосан таъминланган. Барча хўжаликлараро корхоналарда чорвачилик ва озуқа етиштириш пировард натижаларга қараб ҳақ тўлашнинг пудрат методига ўтказилди, ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 220—230 сўмга етди.

Ўтган йили бўрдоқичилик хўжаликларида 15,4 минг бош қорамол парваришланди, сўқимга боқилди ва давлатга тириқ вазнда 6927 тонна гўшт топширилди. Бунда гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни 450 килограммга, айрим хўжаликларда эса 550 килограммга етди. Планга қўшимча 559 тонна гўшт топширилди, қорамолнинг 97 проценти ўртача семизликдан юқорироқ қилиб сотилди. Хўжаликлараро корхоналар топширган чорва молнинг салмоғи умуман область бўйича 59 процентга, Бағдод ва Бувайда районларида эса 80—82 процентга етди. Чорва молнинг бир центнер семириши учун 10,8 центнер озуқа бирлиги сарфланди, бу республикадаги кўрсаткичдан 7,6 центнер камдир, сўқимга боқилаётган қорамол бир кеча-кундузда 655 граммгача, айрим хўжаликлараро корхоналарда эса 952 граммгача семирди, чорва молни юз килограмм семиртириш учун 206 сўм сарфланди. Шу туфайли 1987 йилда 4860 минг сўм фойда кўрилди, шундан 2372 минг сўми пайчи хўжаликларга ўтказилди. Чорва молни ўстириш ва сўқимга боқиш ишининг шу таҳлитда ташкил этилиши область хўжаликларига чорва мол ва парранда тайёрлаш планини фақат колхозлар ва совхозларнинг ўз ресурслари ҳисобига, матлубот кооперацияси томонидан чорва мол харид қилинишини жалб этмасдан, бажариш имкониятини берди.

Республика Министрлар Советининг Президиуми Фарғона областидаги совет ва хўжалик органларининг қорамолни самарали ўстириш ва сўқимга боқишни ташкил этиш, мустаҳкам озуқа базаси негизида қорамолни тез семиртириш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ишларини маъқуллади. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига ана шу тажрибани ўрганиш ва шу йилнинг ўзидаёқ унинг хўжаликлараро корхоналарда ва чорвачилик комплексларида жорий этилишини таъминлаш топширилди. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими (ўртоқ Ш. А. Акмалхонов)га бу ишга методик раҳбарлик қилиш, Фарғона области хўжаликлараро корхоналарининг тажрибасини кенг ёйиш ва жорий этиш учун амалий ёрдам бериш таклиф этилди.

МЕҲНАТ СУЛОЛАЛАРИ УЧРАШУВИ

Ўзбекистоннинг саноат корхоналари ва қурилишларида, колхоз ва совхозларида юзлаб меҳнат сулолалари зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Улар қайта қуришда фаол қатнашмоқдалар. КПСС XXVII съезди қарорларининг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ота-оналар ўз фарзандларига касб-ҳунарни мерос қилиб қолдириши сингари анъаналар Ўрта Осиёдаги барча республикаларда муваффақиятли ривожланмоқда.

27 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон меҳнат сулолалари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ташкил этди. Ёшларнинг меҳнат тарбияси, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ишчи сулолаларининг раҳбарлари ўз тажрибаларини гапириб беришди, ҳал этилмаган муаммоларни муҳокама қилишди. Нотиқлар оила — социалистик жамиятнинг бош ячейкаси эканлигини таъкидладилар. Янги инсоннинг ахлоқ-одоби худди шу ерда камолга етади. Бинобарин, авлодларнинг давомийлигида узилиш бўлмаслиги, ёшларни ишчилар синфининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш муҳимдир.

Мажлис аҳли меҳнат сулолаларини қутлади. Уларни пойтахт пионер ва мактаб ўқувчилари, Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртларининг талабалари табриклардилар. Касаба союзлари маданият уйлари ва маданият саройларининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз санъатларини намойиш этдилар.

Учрашув қатнашчилари Ўрта Осиё республикаларидаги барча меҳнат сулолаларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚАРШИ, 27 февраль. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари область партия комитети биринчи секретари И. А. Каримовнинг КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми талаблари асосида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

• Уй-жой қурилиши—муҳим социал вазифа

ҚИШЛОҚДАГИ УЙ

✦ ХЎЖАОБОД РАЙОНИДАГИ «КОММУНА» СОВХОЗИ ТАЖРИБАСИ

✦ ҚУРИЛИШ ИНЖЕНЕРИ НЕГА БЕЗОВТА?

✦ ИШЛАМАГАН САНУЗЕЛ, БУҒХОНАГА НЕ ҲОЖАТ!

✦ ЛОЙИҲАЛАР АРЗОН, УЙ ШИНАМ ВА ҚУЛАЙ БЎЛСИН

Дарҳақиқат, ҳар бир одамнинг болалик таассуротлари жонажон ҳонадони билан боғлиқ бўлади. Ёши улғайганида гўё ота уйи унга болалик эртакларини сўйлаб бераётгандай туюлади. Ҳар биримизнинг ўз жонажон уйимизга бўлган меҳримиз замирида Ватанга садоқат ётади.

«Коммуна» совхозининг қурилиш бўйича инженери Ҳабибулла Исмоилов билан суҳбатимиз давомида уй-жой муаммосига оид жуда кўп масалалар ойдинлашди. 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини уй-жой билан таъминлаш вазифаси шунчаки қарор чиқариш, буйруқ бериш, режалар тузиш билангина амалга ошмайди.

— Совхозимиз ўрамида,— деди Ҳабибулла, — уч мингдан ортиқ ҳонадон бор, унда 22 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда ҳар бир оила учун ўртача 6,5 квадрат метрдан майдон тўғри келади. Уй-жой пробелмасини тўлиқ ва узик-кесил ҳал қилиш учун эса тағин 7,5 квадрат метрдан уй-жой қуришимиз зарур.

Ўтган йили 58 оилага мўлжалланган 29 та типовой уй қуриш учун лойиҳа-смета тайёрланиб, бу йилги қурилиш планига киритилди. Бирбирига ёндош қуриладиган бундай уйда икки оила истиқомат қилади. Ҳар бир оила учун 8 сотихдан томорка, шахсий чорваси учун молхона ва бошқа шарт-шароитлар бўлади. Бундан ташқари ёш оилалар учун икки каватли, 12 квартирали уй учун ҳам лойиҳа тайёрланиб, айни кунларда 127-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари иш бошлашга шай.

Ўз кучимиз билан эса 10 та хўжаликка мўлжалланган 5 та уйни йил охиригача қуриб топширишни кўзлаяпмиз. Хўш, ўз кучимиз билан қуриладиган уй-жойни йил охиригача қуриб топширишимиз, деганда нималарга асосланяпман? Совхозимизда 160 нафар қурувчи касбидаги ишчи бор. Бригадамиз ихтиёрида 9 та транспорт трактори, пайвандлаш аппарати, 1 та «Белорус» ва С-100 маркали бульдозер мавжуд. Бундан ташқари асфальт цехимиз ҳам ишлаб турибди...

— Албатта, уй-жой қуриш учун биринчи навбатда қурилиш материали мухтасар бўлиши керак. Ишчи кучи, техника ҳамда асфальт цехи маҳсулоти билан ваъда қилинган объектларни қуриб бўлмайди-ку!

— Гапларингиз тўғри, қурилиш материалларини тахт қилгачгина ишга киришиш зарур. Лекин очиғини айтганда, кўп ҳолларнинг қурилиш материалларининг тақчиллиги ишимизнинг суст кетишига сабаб бўлади. Материал учун югуриш керак. Тегишли идораларнинг эшигини қоқишга, уларнинг розилигини олишга тўғри келади. Хуллас...

— Муаммолар кўпми?

— Шундай. Типовой лойиҳа бўйича қурилаётган, икки оилага мўлжалланган ёндош уйларнинг қиммати 25 минг сўм. Албатта, бу уйларнинг тўловида талай имтиёзлар бор. Масалан, уй ҳақи 50 йил муддатда тўлаб узилади. Ўртача маош оладиган ҳар қандай оила ҳам шу муддатда бемалол қарздан қутулиб кетиши мумкин.

Лекин мана шундай уйларнинг лойиҳасини тузаётган одам регионнинг табиий шароитларини ҳам ҳисобга олиши керак. Қурилаётган бу уй-жойлар абадий бериладиган экан, уйнинг шарт-шароитлари, кўриниши ҳонадон эгасига ҳам маъқул келиши даркор. Масалан, қурилажак бинолларда буғ билан ёритиш мосламаларидан тортиб то санузелларгача мавжуд. Лекин буғ билан ҳонадонни ёритиш мосламасини ишга туширишга ўтиш табиий газ бўлиши керак-ку. Акс ҳолда келган лойҳани ўзгартиришга ҳақлари йўқ эканлигини ошкор эътироф қилишди.

Иккинчи масала. Янги типда қурилаётган уй-жойларнинг нархи кишилар учун анча қиммат туюляпти. Бордию, юқорида айтиб ўтганимдек, кераксиз ашқол-дашқоллар олиб ташланиб, лойиҳа бироз соддалаштирилса, эҳтимол бинонинг нархи ҳам пасаярди. Уни қарангки, биргина ўша санузел, буғ билан ёритиш мосламасининг қиммати 2 минг сўмдан ортиқ тураркан.

Одамларнинг талаб ва эҳтиёжи бўйича содда ва ҳамма-боп уй тархини чизиш бизларнинг ҳам қўлимиздан келади. Афсуски, бизнинг лойиҳамиз тасдиқланган типовой лойиҳа соясида қолиб кетади.

Совхознинг ўз кучи билан уй-жой қуришида муаммолар кўп. Масалан, асфальт цехи маҳсулотларидан бугунги кунда райондаги кўп хўжаликлар баҳраманд. Йиғим-терим бошланиши олдидан хирмонлар, йўлларни асфальтлашда у ҳаво ва сувдай зарур. Бир йилда 5 минг тоннага яқин асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга. Афсуски, иш айни қизиган даврда энг зарури — битум билан ёнилғи етишмай қолади. Таъминловчи ташкилотни тополмай овора бўламиз. Агар цех учун зарур бўлган шу икки турдаги хом ашё мавжуд бўлганда эди, биз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига маблағ жамғарган, тушумдан қурилиш материаллари сотиб олган бўлардик.

Ғишт ва оҳак — қурилиш учун энг зарур нарсалар. Ёғоч материаллар тақчиллигини ҳозирча бартараф этгандаймиз. Бундан беш йил аввал 3 минг тупдан зиёд терак экканд эдик, эндиликда у қурилиш учун асқотади. Ғишт пишириш цехини очиш учун совхозимизда ортиқча ер майдони ҳам, табиий газ ҳам йўқ. Шунинг учун ҳозирги кунда табиий газ яқин бўлган Калинин номли совхоз дирекцияси ҳамда «Россия» колхози правлениесидан фойдаланилмаётган адирлик массивидан ер майдони сўраб, у ерга оҳак ва ғишт пишириш цехлари қурмоқчимиз. Ана шундагина бу муаммо ҳал қилинади.

Ҳабибулла кўп гапирворманмадимми, дегандай менга қараб, сўзлашдан тўхтади. Мен эса унинг қуйиниб-ёниб гапиришини мароқ билан тинглардим.

Суҳбатдошимнинг гапларига қўшимча қилиб, ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йили Манак қишлоғида бундан ўн беш йил аввал қурилган типовой уйларда бўлганман. Чиройли, тартибли, барчага маъқул уйлар. Лекин қиш қировли кунларда юқорида Ҳабибулла қуйиниб гапирганидек девордага ўрнатилган буг, иситиш мосламалари ишлатилмайди. Кишилар уни суғуриб олиб ташлашни ҳам, иситишни ҳам билмай гаранг. Қизиқ наҳотки лойиҳа тузаётган кишилар бу ҳолдан бехабар бўлсалар? Балки яхши ниятда, узоқни кўзлаб қилингандир, деб ўйларсиз! Лекин ўн беш йилдан буён кишиларга наф бермаган бундай мосламаларга зарурат йўқлигини кўра-била туриб, наҳотки янги тузилаётган лойиҳага ҳам буни тиқиштирсалар?

Бундай ҳол фақат биргина шу совхоздами? Йўқ. Ҳатто Хўжаобод шаҳри марказида қурилган ва қурилаётган биноларга кирсангиз ҳам шу манзаранинг шоҳиди бўласиз. Санузеллар бор. Аммо номига! Нега шундай? Жавоб битта: канализация йўқлиги сабабли оқавани чиқариш имкони бўлмаяпти...

Совхозда янги планлаштирилаётган типовой уйларнинг ҳаммасида буғ билан иситиш мосламалари-ю санузелларгача — ҳаммаҳаммаси тиқиштирилган. Бу ҳақда жиддийроқ, жон куйдириброқ ўйлаш даври етмадимикин? Қурилаётган бундай уй-жойларда бир неча авлод истиқомат қилиши мумкин. Чунки жамият ривожланишда, ўсиб-улғайишда. Кечаги талаб ва эҳтиёж эртага эскириб, ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Шунинг учун олисни кўзлаб иш тутган, миллий хусусиятни ҳам ҳисобга олган маъқул. Чунки ҳонадон нафақат инсоннинг яшайдиган кундалик ошиёни, балки ҳар вақт, ҳар сонияда меҳригиёси чамбарчас боғланган катта Ватаннинг бир парчаси ҳамдир.

С. РАЖАБОВ.



ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН

«Каршистрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6-механизацилашган кўчма колоннаси меҳнатсевар коллективи кейинги йилларда чўлқуварлар учун кўплаб қулай ва шинам уй-жойлар қуриб бериб, қишлоқ меҳнат аҳлини қувонтирмоқда. Айниқса ўтган йили коллектив бинокорлари бу соҳада катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Нишон районидаги 32-қўриқ совхозининг марказий қисмида 3200 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой биноларини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга эришдилар. Бу эса планда кўрсатилганидан 1,5 баробар кўпдир. Натижада қўриқ ерларнинг ўнларча оилалари янги уйларга ва кўркам коттежларга кўчиб ўтдилар. Колонна меҳнаткашлари бу йил ҳам чўлқуварлар учун кўплаб уй-жой бинолари қуриб бериш учун шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Суратларда: колоннанинг пешқадам қурувчиси — бўёқчи Мария Барсукова ва совхоз марказий қисмида бунёд этилган уй-жойлар акс эттирилган.

Ш. Шаропов фотолари.

Ҳунар-техника билим юрти билан завод ўртасида ҳамжиҳатлик борми?

Ўзбекистон ССР Олий Совети Доимий комиссиялари мажлисидан

Тошкентда ҳунар-техника таълимининг аҳволи ташвиш туғдирмоқда. Ҳунар-техника билим юртлари ишини тубдан яхшилаш учун зўр ғайрат билан шошилинч чоралар кўриш керак. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ёшлар масаласи ҳамда Халқ маорифи ва маданият доимий комиссияларининг 27 февраль куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида бу ҳақда тўғридан-тўғри ва рўй-рост гапирилди. Депутатлар Тошкент шаҳридаги халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳунар-техника таълими системасида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг ишлаб чиқаришда муҳим ўрнашиб қолишини таъминлаш юзасидан комиссияларнинг 1983 йил августида қабул қилган қарорлари қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқдилар. Ўтган тўрт йил ичида бажарилган ишларнинг якунлари қаноатланарли эмаслиги, ўша вақтда қабул қилинган қарорларнинг кўп қисми қоғозда қолиб кетганлиги таъкидланди.

Пойтахтда ҳунар-техника билим юртлари тармоғи белгилаб қўйилганидек кенгаймади, аксинча қисқариб кетди. Ун биринчи беш йилликда 10 минг ўринли 14 та комплекс қуриб битказиш планлаштирилгани ҳолда 2,5 минг ўринли учта ўқув комплекси ишга туширилди. Планни бажармаган корхоналар орасида «Средазкабель», «Узбексельмаш» каби йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Подъёмник» заводи, шунингдек республика Қурилиш министрлиги, «Главмашхлопководства», Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳам борлиги безовта қилмоқда.

Ҳунар-техника билим юртларининг ҳозирги талабларга мос келадиган ривожланган ўқув базасини барпо этиш ишида ҳам яхшилиқ сари ўзгариш бўлмаяпти. Бу соҳада иш олдинга юриш ўрнига орқага кетяпти. Агар 1983 йилда 13 та билим юртида ишлаб чиқариш устахонаси йўқ бўлса, 1987 йилда ишлаб чиқариш устахоналарига эга бўлмаган билим юртлари сони 28 тага етди. Ҳунар-техника билим юртларининг станоклар билан таъминланиши 55 процентдан ошмайди, улар тасарруфидаги техниканинг учдан бир қисми маънавий ва жисмонан эскириб қолган. Буларнинг ҳаммаси бевосита таълим сифатига таъсир қилмоқда, таълим сифати ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас. Имтиёзли диплом ва оширилган ишчи разряди олиб битирувчилар сони мунтазам камайиб бормоқда. Текширишлар билим юртларини битирган кишиларнинг ҳар ўн нафаридан биригина пухта билимга эга эканлигини кўрсатди.

Мажлисда сўзга чиққан депутатлар Б. А. Алламуродов, А. Абдувосиқов, Л. Ш. Беққулбекова, В. В. Бочков, О. Е. Егорова, Г. Г. Неклесса, А. Ҳабибуллаев ва бошқалар билим юрти тарбияланувчилари малакасининг пастлиги ишлаб чиқариш коллективларида уларга нисбатан ишончсизлик туғдираётганлигини, ёш ишчилар қўнимсизлигига олиб келаётганлигини ҳақли равишда таъкидладилар. Бунда биркитиб қўйилган йигит ва қизлар тайёргарлиги даражаси учун заводлар, фабрикалар, бирлашмаларнинг раҳбарлари ҳам жавобгар эканлигини кўплар унутиб қўймоқда.

Амалда нималар бўляпти? Республика Енгил саноат министрлигининг Тошкентдаги корхоналарида ҳозир салкам тўрт минг нафар ишчи етишмаяпти. Аммо на тўқимачилик комбинати, на пойабзал фабрикалари ҳунар-техника билим юртларини замонавий машина-ускуналар билан жиҳозлаш, билим юртларини битирувчилар учун нормал ишлаб чиқариш ва турмуш шароитлари яратиб бериш тўғрисида жон куйдиряпти. Уларга кўпинча ўз ихтисосига мувофиқ иш берилмаяпти, малака разрядлари қонунга хилоф равишда пасайтирилмоқда, янги машина-ускуналар ишониб топширилмаяпти. Аҳвол шундай экан, билим юртларини битиргач, бу ерга юборилган йигит ва қизларнинг ярми корхонадан кетишга шошилаётганликларига ажабланмай бўладими? Қурилиш ташкилотларида ҳам ёш ишчилар қўнимсизлиги кўп.

Комиссияларнинг ҳунар-техника билим юртларида социал-маиший шароитларни яхшилаш ҳақидаги тавсиялари жуда сусткашлик билан бажарилмоқда. Мослаштирилган биноларда жойлашган ётоқхоналар, ошхоналар ҳали кўп. Шаҳар Совети ва район Советларининг ижроия комитетлари ўқувчиларнинг яхши овқатланишини таъминлаш учун зарур чораларни кўрмаяптилар. Тошкентдаги базавий корхоналар орасида сўнгги тўрт йил ичида атиги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан «Главташкенстрой»гина ўқув юртларидаги муҳтож ўқитувчиларга квартира ажратди, холос.

Депутатлар ҳунар-техника билим юртларида тарбиявий ишлар савияси пасайиб кетганлиги ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳоллари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Доимий комиссиялар қабул қилган қарорда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳунар-техника таълими ишини КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми қарорлари асосида қайта қуриш юзасидан комплекс тадбирлар белгиланди. Тошкент шаҳар маҳаллий Советларига базавий корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, ҳунар-техника билим юртлари тармоғини кенгайтириш, таълим сифатини яхшилаш, ҳам ўқувчилар учун, ҳам ўқитувчилар учун нормал турмуш шароитларини яратиш борасида, уларнинг масъулиятини ошириш тавсия этилди. Ҳунар-техника таълими шаҳар бошқармасига планлаштиришдаги камчиликларни тугатиш, мутахассислар тайёрлашнинг миқдор кўрсаткичларини министрликлар ва идораларнинг буюртмаларига мувофиқлаштириш таклиф қилинди. Ҳунар-техника билим юртларида ёшлар билан олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишлар савиясини анча оширишга ҳам қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

Дунё воқеалари

ВХР МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

БУДАПЕШТ, 26 февраль. (ТАСС). Расмий дўстона визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган А. А. Громико бугун ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Президиумининг Раиси К. Немет билан биргаликда Фейер областининг маркази — Секешфехрвар шаҳрига сафар қилди. Бу шаҳарда ўзининг электрон-ҳисоблаш маҳсулоти билан маълум бўлган «Видеотон» корхонаси жойлашган.

«Видеотон» — ўзининг илмий-тадқиқот институтига эга бўлган йирик замонавий корхонадир. Корхона маҳсулотининг анчагина қисми СССРга етказиб берилади. Кенг кўламдаги ишлаб чиқариш ва фан-техника ҳамкорлиги, шу жумладан бир қанча совет корхоналари ва ташкилотлари билан бевосита алоқалар тобора ривожланмоқда.

Заводда А. А. Громико область, шаҳар ва корхона раҳбарлари билан суҳбатлашди. Улар областни ривожлантириш истиқболлари ва ҳал этилаётган муаммолар ҳақида, Совет мамлакати билан кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар тўғрисида гапириб бердилар.

Дўстона суҳбат давомида иккала мамлакат корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги бевосита алоқаларни ҳамда ўзаро хўжалик муносабатларининг бошқа илғор усулларини ривожлантириш, социалистик иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Электрон-ҳисоблаш аппаратларини йиғиш цехида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ишчилар, мутахассислар билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш, меҳнат шароитлари билан қизиқди, уларга муваффақият тилади.

Корхона кўздан кечириб бўлингач, А. А. Громико корхонанинг илғор бригада дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида А. А. Громико ва унинг ҳамроҳлари Будапештга қайтиб келдилар.

Бугун парламент биносида А. А. Громиконинг Венгрияга қилган визити якунлари тўғрисидаги Совет-Венгрия қўшма ахборотини имзолаш маросими бўлди. Ҳужжатни А. А. Громико билан К. Немет имзоладилар.

Совет ва Венгер томонлари ВХРнинг СССРдаги маданий, илмий ва ахборот марказини ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти тўғрисидаги битимни ҳамда ҚССР Ёзувчилар союзи билан Венгрия Ёзувчилар союзи ўртасида 1988 йилги ҳамкорлик планини ҳам имзоладилар.

Кема моделлари устаси

Польша Халқ Республикасининг Гданьск шаҳрида истиқомат қилувчи Марек Жужанский бўш вақтларини кема моделларини ясаш билан ўтказишга одатланган. Ундаги иштиёқ ёшлигидаёқ бошланган эди. Франциянинг Руан шаҳрида ўтказилган қадимий кемаларнинг моделлари халқаро конкурс-кўргазмасида Марек Жужанский кумуш медаль билан тақдирланди ва «Навига» Халқаро федерациясининг фахрий дипломи билан тақдирланди. Ў бунга 1628 йилда Стокгольм яқинида ҳалокатга учраган «Васа» кемасининг моделини моҳирлик билан яратганлиги учун мукофотланди.

Суратда: Марек Жужанский ва у ясаган «Васа» елканли кемаси акс эттирилган.

ЦАФ — ТАСС фотоси.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

СОВЕТ-АФҒОН ШАРТНОМАСИНИНГ 67 ЙИЛЛИГИГА

«...Биз афғон халқининг дўстлик ҳақидаги биринчи шартномани Россия билан тузганлигини қайд қилиб ўтишдан бахтиёрмиз.

Имонимиз комилки, бизнинг энг самимий истакларимиз амалга ошади ва Россия иккала халқнинг бахт-саодати учун Буюк Афғон давлатининг доимо содиқ дўсти бўлиб қолади». Бу сўзлар Владимир Ильич Ленининг 1921 йилнинг 28 февралида Москвада дўстлик ҳақидаги шартнома имзоланганлиги муносабати билан афғон амири Омонуллохонга йўллаган мактубида баён этилганди. Ўшандан буён 67 йил ўтди. Дўстлик ва яхши қўшничилик йиллар оша синовдан ўтди. Тўпланган тажриба эса Совет — Афғон ҳамкорлиги мустақил Афғонистоннинг ташкил топиши ва ривожланишида, миллий суверенитетни империалистик тажовузлардан ҳимоя этишда қандай муҳим ҳаётий аҳамиятга молик бўлганлигини айниқса, ёрқин кўрсатмоқда.

Маълумки, 1919 йилда Афғонистоннинг тўла суверенитети эълон қилингандан кейин Британия империализми у ерда бой берилган позицияни қайтариб олиш мақсадида мамлакатга қарши мустамлакачилик урушини бошлади. Инглиз мустамлакачиларининг 340 минг кишилик армияси Афғонистоннинг бутун жанубий ва жануби-шарқий чегараларида ҳарбий ҳаракатни авж олдириб юборди. Афғон армияси ўзига нисбатан сон ва қуроллярог жиҳатидан кўп маротаба устун бўлган ёвга қарши матонатли кураш олиб борди.

Ана шундай таҳликали даврда ёш Советлар республикаси қурашаётган Афғонистонга ёрдам қўлини узатди. Биринчи бўлиб унинг мустақиллигини тан олган, дўстона алоқаларни ўрнатган Совет ҳукумати ўз қўшнисига дарҳол ҳар қандай ёрдамни, шу жумладан, ҳарбий ёрдамни кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

1919 йил охирида РСФСР ва Афғонистон дўстлик шартномасини тузиш тўғрисида музокараларга киришди. 1920 йилда шартнома текстини дастлабки тасдиқлаш босқичида РСФСР Афғон томонига самолётлар ва беш минг-та милтиқни зарур ўқ-дориси билан етказиб бериши, Афғонистонда авиация мактабини ташкил этиш, ишлаш учун мутахассислар юбориш ҳақида келишиб олинди. Ўша пайтда Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси келтириб чиқарган хўжалик қийинчиликларига қарамай мамлакатимиз кўрсатган беғараз ёрдам чинакам интернационализм ва дўстликнинг ёрқин исботидир.

Совет — Афғон шартномаси Улуғ Октябрь эълон қилган халқаро муносабатлар янги типининг амалий ифодаси бўлди. Жумладан, Совет — Афғон ҳужжатида давлатларнинг тенг ҳуқуқлилик принципи қарор топди. Иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳам шуларни айтиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Совет — Афғон шартномаси жаҳон сиёсати майдонига мустақил Афғонистон чиқиши билан нишонланди. Ҳар иккала мамлакат ҳаётий манфаатларига мос бўлган шартнома Совет — Афғон дўстлиги ва ҳамкорлиги биносининг мустаҳкам пойдевори бўлди.

1978 йилдаги Апрель революциясидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий алоқалар янги мазмун билан бойиди. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ривожи учун янги имкониятлар очилди. Совет республикалари, областлари билан Афғонистон вилоятлари ўртасидаги бевосита алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд ва Фарғона областлари Афғонистоннинг Саманган, Балх, Боғлон ва Жоузжон вилоятларини оталиққа олган. Улар ўртасида дўстона алоқалар кенгайиб, мустаҳкамланиб боряпти.

1921 йил шартномаси асос солган яхши қўшничилик анъаналарини 1978 йил декабрида тузилган кенг қамровли дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома давом эттирди. Қўшнилар ўртасидаги анъаналар халқларимиз манфаатларигагина эмас, балки Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ишига ҳам хизмат қилмоқда.

А. РЎЗИЕВ.

• Афғон шоирлари ижодидан

1921 йилда доҳиймиз В. И. Ленин асос солган биринчи Совет — Афғон шартномасидан бошланган ўзаро ҳамкорлик ва биродарлик алоқаларига 1978 йил Апрель революциясидан сўнг янада кенгроқ имконият туғилди.

Афғон халқи мустақил, озод ҳаёт учун курашиб янги жамият учун пойдевор қурмоқда. Совет халқи билан АДРнинг дўстона маданий алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

С. Лойиқ ҳамда Б. Шафеий афғон демократик адабиётининг таниқли ва йирик вакилларидан ҳисобланади. Қуйида уларнинг ижодидан намуналар ўқийсиз.

Рубоийлар

Сулаймон ЛОЙИҚ

ОРСИЗ ЮРАК

Гар қўлда куч-мадор қолмаса зинҳор,
Мозорга ташлагин қилмайин ҳеч ор.
Ватанни севмас ул дилни ҳам кўмгил,
Орсиз юрак фақат шунга сазовор.

ВАҚТ ШИДДАТИ

Эрталаб боқсанг гар авжи паст қуёш,
Тушдан сўнг етмагай чўғига бардош.
Борган сари вақтнинг шиддати ортар,
Эртанинг зарбига бугун бермас дош...

ҚАБОҲАТ

Қўрқмасман қийнаса мени жароҳат
Ё макр ила қурбон этса муҳаббат.
Ёшликда кўрсатмай эзгу жасорат,
Бекор ўлиб кетмоқ менга қабоҳат...

ВАСИЯТ

Юртимда уйғониб алвонранг баҳор,
Элим бўлса агар ғафлатдан бедор.
Қабрим узра келиб мужданг айтинг,
Нотинч юрак шунда топади қарор.

ЖАСУР ИНСОН

Ғалвали турмушга ёғдириб бўҳтон,
Ўз даврин камситган аблаҳ ё нодон.
Ҳаёт жанги сари, мардона бориб,
Эзгуга йўл очган энг жасур инсон!

Ватан ҳақида қўшиқ

Она-юртим, Ватаним
Сенсан бахту ҳаётим,
Сен уйим, бешигимсан
Ҳамда умру мамотим.
Томирда ота қоним
Ҳам сенда она меҳри
То абад, сенга туташ
Зотим ила зурётим.
Сен камол бердинг менга
Гул каби эъзоз қилиб
Парқу айлаб бошима,
Ишқу меҳру бисотинг
Пурвиқор тоғинг ила
Кўндир ўйноқ сойларинг
Ғазал айтмоққа ожиз
Шўх созу ҳам баётим.

Сенинг ҳар тоғу тошинг
Ёвга даҳшатли ғовдир
Бузмоқ учун бу ғовни
Етмас унинг саботи.
Бошим эгиб фақат мен
Тиз чўккум сенга она,
Ахир сенсан Ватаним;
Жону дилу Ҳаётим...

Борис ШАФЕЙ

Юз очиб, кулгин!

Тингла эй, Сингилжон! Эй азиз сиймо!
Мен сенга айлайин ҳақ сўзни иншо:
Хилватда ўсган гул эмассан зинҳор...
Ки, сенинг ҳуқуқинг этсалар инкор...
Эй, Робия кўзни гавҳари нури,
Қалбингда акс этсин замон шуури-
Сарҳадсиз оламга кўз солсанг дилдор,
Нокаслар бағридек эмас тангу-тор.
Тириклик кўкидан нур сочиб фируз,
Курашга чорлагай чароғон юлдуз.
Зулмат пардасини чок этиб бебок,
Бу синов жабҳасин айлагил идрок!
Эй, дилкаш-дилоро, шафақ юз Гулнор,
Сен юрт дурдонаси, элга ифтихор.
Қуллик-мутеликка ўт очиб якдил,
Қани эй, бош кўтар! Мардона дадил!
Озодлик шиори бўлсин қуролинг,
Мана, сени чорлар нурли иқболинг...

Янги ҳаёт низоми

Қалбимдан отилган, ай оташ нола!
Чўғингла фалакни қуйдиргил шитоб.
Булутлар кўксини айлагин пора,
Юксакдан чароғон порласин офтоб!..
Кўҳна бу афлокнинг тарҳин бузиб,
Эскилик қўрғонин айлагин барбод.
Фараҳсиз турмушнинг назмидан кечиб,
Янги бир коинот қилайлик ижод.
Қўрқувнинг касридан бош эгиб ҳар он,
Умримиз айладик беҳуда хазон.
Мутеълик бағрида жонсарак бўлиб,
Хилватда бекинмоқ ҳоинлик, инон.
Эркимиз йўлида тўғаноқ бўлган,
Хурофий бидъатдан ҳаёт бесамар.
Азал ақидасин таг-тубдан бузиб,
Шумликлар хонасин айла зер-забар.
Хайру-шаррдан форғ тўз янги даврон,
Эзилган қалбингни тўлдирсин шуур.
Эрк имтиёзила, бахтга фаровон,
Обод этиб юртин яша озод-ҳур!..

Дари тилидан Нусрат КАРИМ таржималари.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АНҚАРА. Утган йилнинг ноябрида мамлакатга қайтиб келгандан буён қамоқда азоб чекаётган Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ҳайдар Қутлу яна давлат хавфсизлиги Анқара суди прокурори олдига келтирилди. Туркия коммунистларининг бошлиғини, деб ёзади «Жумҳуриет» газетаси, қўлига кишан солиб, маҳбуслар кийимида олиб келишди. Суд биносига адвокатлардан бошқа ҳеч ким киритилмади. Ҳ. Қутлу суд биносига кираётганида журналистларга сўроқ вақтида азоб берганликларини айтди.

Маълумки, Ватанига ўз ихтиёри билан қайтиб келган Ҳ. Қутлу ва ноябрь ойида Анқарага келиши билан қамоққа олинган Туркия Ишчи партиясининг Бош секретари Ниҳат Саргин Туркияда ҳаётни демократиялаш жараёнига ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилганликларини айтган эдилар.

* * *

АҚШ маъмурияти 1989 молия йили федерал бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди. Молия йили шу йил 1 октябрдан бошланади. Дастлабки чамаларга кўра, федерал маблағлар миқдори 1,1—1,2 триллион долларни ташкил этади.

Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ бюджет лойиҳасининг бошқа умумий жиҳатлари ҳам олдиндан маълум. Масалан, келаси молия йилида федерал харажатлар 23,5 миллион доллар камайтирилади ва солиқлар камида 14 миллиард доллар оширилади. Конгрессдаги демократик партия вакилларининг тазйиқи билан Оқ уй маълум даражада ён босишга мажбур бўлди. Жумладан, Пентагон харажатлари ўсишини 2 процент — шу молия йилидаги 292 миллиард доллардан 1989 йилда 299,5 миллиард долларга қадар чеклашга мажбур бўлди. Пулнинг қадрсизланиш даражаси 2 процентдан анча ортиқ бўлганлигидан бу нарса амалда ҳарбий харажатлар камайишини билдиради.

(ТАСС).

ТВ — ТВ

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

29 февраль, душанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 14.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Қайта қуриш прожектори. 15.25 — Онамларнинг мактаби. 15.55 — Замондошимиз портрети. 16.35 — XXI асрга экспедиция. 17.35 — «Сибирь тупроғи». 18.05 — Телетомошабин ҳамроҳи. 18.40 — Қишки Олимпиада ўйинлари 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Қишки Олимпиада ўйинлари 24.00 — Дунё воқеалари. 00.10 — XV Қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Қуёш ҳадя этган энергия. 10.05 — Рус тили. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — Қушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 11.35 — Музика. 12.05 — Қушлар ва ҳайвонлар бир том остида (давоми). 13.05 — «Мухиннин уйготинг». Бадиий фильм. 14.25 — Ҳужжатли фильмлар. 15.10 — «Ҳаёт гўзал». Бадиий фильм. 16.45 — Янгиликлар. 16.55 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 18.30 — Янгиликлар. 18.35 — Ногин номли Маданият саройининг ашула, музика ва рақс ансамбли ижро этади. 18.50 — Фильм-концерт. 19.20 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.20 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.35 — Халқаро панорама. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — «Иллюзион». «Хотинлар». Бадиий фильм. 23.35 — Тонгги почта. 00.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 16.45 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Қизиқувчилар экрани. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — К. Чуковский. «Пашша ойпошша». Спектакль. 19.00 — Театр ҳаёти. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Инсон ва қонун. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — «Вўстон» тележурнали.

УзТВ-II. 19.35 — Ҳужжатли фильмлар. 20.05 — Кескин танқид остида. 20.30 — Ҳинд киноси ҳақида бир неча сўз. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. **Фрунзе.** 22.00 — Душанба куни, ишдан сўнг. 22.30 — «Овдаги воқеа». Бадиий фильм.

1 март, сешанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — XXI асрга экспедиция. 10.05 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 12.50 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Якутия телевидениесининг программаси. 16.50 — Болалар учун фильм. 18.00 — Фан: назария, тажриба, практика. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Демократияни ўрганамиз. 19.10 — Инга Демьянова куйлайди. 19.30 — Дунё воқеалари. 19.50 — Қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши. 20.35 — Павел Нилин. Ҳаёти тафсилотлари. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. «Спартак» — «Динамо» (Киев). Танаффусда (22.45) — Дунё воқеалари. 23.45 — Умид бағишловчи икки кун.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Шаҳар ва табиат. 9.35 — Физика. 10.05 — Француз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05 — Француз тили. 13.05 — В. В. Андреев асарларидан концерт. 13.35 — «Бош конструктор». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар. Танаффусда (14.40) — Янгиликлар. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — Ритмик гимнастика. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Қишлоқ янгиликлари. 20.20 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.35 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Чет эл фильмлари экрани. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум». 16.45 — Телефильм-лар. 17.30 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.05 — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан учрашув. 19.00 — Бошланғич партия ташкилотининг тажриба ва муаммолари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 20.20 — Баҳор тароналари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Кел баҳорим». Музикали программа. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — «Муюлишдаги маллосоч хоним». Бадиий фильм. 23.20 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.35 — «Дипломли қаллоб». Бадиий фильм. 20.40 — Қайта қуришнинг долзарб вазифалари. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30— Время. **Душанба.** 22.00 — Футбол. Халқаро ўсмирлар турнири. БХР ва Тожикистон. 23.20 — Телефильм.

2 март, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Ҳайвонот оламида. 10.05 — «Бриллиант қўл». Бадиий фильм. 11.40 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Хормейстернинг ҳаётидан уч кун. 16.55 — Агросаноат ишлари ва ташвишлари. 17.45 — Салом, музика! 18.25 — Фидоий шахслар. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фалсафий суҳбатлар. 20.15 — «Театр» журнали редколлегияси билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Рундаль саройида музика. 23.45 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Умумий биология. 12.05 — Немис тили. 13.05 — «Икарнинг қулаши». Бадиий фильм. 14.45 — Табиат билан ҳамжиҳатликда. 15.25 — Янгиликлар. 15.35 — «Илк қувончлар». Бадиий фильм. 2-қисм — «Ғалати ёз». 4-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали киоск. 19.15 — СССР — БХР телекўприги. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 — Ёшлик қуйлайди ва рақсга тушади. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Театр, кино ва телевидениеда музика. 00.10 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум». 16.45 — Зоология. 17.15 — Илмий-оммабоп фильм. 17.30 — Р. Тагор — Ҳиндистоннинг буюк ёзувчиси. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Пионерлар мамлакатида. 19.00 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 20.10 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Камолот сари. 21.20 — Долзарб вазифа. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Фурқат лирикаси.

УзТВ-II. 19.35 — «Бўрондаги олишув». Бадиий фильм. 21.00 — Объективда — қайта қуриш. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. **Фрунзе.** 22.15 — «Қаердадир заргалдоқ маъюс куйламоқда» Бадиий фильм.

3 март, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Салом, музика! 9.45 — Фидоий шахслар. 10.30 — Янгиликлар. 10.40 — «Ўрмон бинафшалари». Бадиий фильм. 15.45 — Янгиликлар. 16.00 — Қайта қуриш прожектори. 16.10 — Музикали хазина. 17.05 — Болгариянинг миллий байрами — турклар зулмидан озод қилинганлигининг 110 йиллигига. 17.50 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.35 — Инсон ва қонун. 19.05 — Мактаб: қайта қуриш муаммолари. 19.20 — Шеърият лаҳзалари. 19.25 — Фестивалар. Конкурслар. Концертлар. 20.05 — Дунё воқеалари. 20.25 — «Юлия Вревская». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.25 «Юлия Вревская». Бадиий фильм, 2-серия. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.45 — Умид бағишловчи икки кун.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Умумий биология. 10.05 — Испан тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик» романининг ёзилиш тарихи. 12.05 — Испан тили. 13.05 — «Директорликка имтиҳон». Бадиий фильм. 14.25 — Ҳужжатли фильм. 15.05 — Янгиликлар. 15.15 — «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 2-қисм. — «Ғалати ёз», 5-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Давлат «Шумен» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.20 — С. Михалков. «Юмалоқ хат». Спектакль. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Реклама. 20.50 — Мультфильм. 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Баскетбол. СССР чемпионати. 23.10— Ҳужжатли фильмлар. 23.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум». 16.45 — М. Шолохов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Жамиятшунослик. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.45 — Халқаро шарҳловчилар давра суҳбати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Элга хизмат: талаб ва таклиф. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.25 — «Зомби варианти». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.35 — Ёшлик. 20.05 — «Оқшом тушишига бор ҳали». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — «Қайта қуриш прожектори». **Фрунзе.** 22.15— «Копилка». Бадиий фильм. 1-ва 2-серия-лар.

4 март, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Инсон ва қонун. 9.35 — «Юлия Вревская». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Олим ва сўз. 16.50 — Латвия телевидениесининг программаси. 17.40— Ҳужжатли фильм. 18.40 — Нефть ва тундра. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Балет артистларининг концерти. 20.25 — Олам кинокамера кўзгусида. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Мен сизни орзу қилишга ўргатаман». Бадиий фильм. 23.40 — Нигоҳ. Экран усталари. Любовь Виролайнен. 00.05 — Янгиликлар. 00.10 — Салом, Медео!

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Теварак-атроф билан танишиш. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Инглиз тили. 12.55 — «Кузда қайтамиз». Бадиий фильм. 14.25 — Ҳужжатли фильмлар. 14.55 — Янгиликлар. 15.05 — «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 2-қисм, — «Ғалати ёз», 6-серия. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳайвонот оламида. 19.40 — Илмий-оммабоп фильм. 20.10 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 — Останкино концерт тун, кичкинтойлар! 20.45 —Енгил атлетика. Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Бокс. СССР ва АҚШ терма командалари. 24.00 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 00.50 — Бокс. СССР ва АҚШ терма командалари (давоми).

УзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум». 16.45 — География. 17.15 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Телефильм. 18.05 — Болалар учун концерт. 18.45 — Комсомол прожектори. 19.00 — Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — КПСС Марказий Комитети февраль (1988 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Бойсун район «Шалола» фольклор ансамблининг концерти. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Актёр ва роллар. 23.20 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.35 — Илмий-оммабоп фильмлар. 20.40 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. **Фрунзе.** 22.15 — «Снайперлар». Бадиий фильм.

5 март, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Мен сизни орзу қилишга ўргатаман». Бадиий фильм. 10.30 — Концерт. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — А. Глазунов. 8-симфония. 16.55 — Нега ва нима учун? 17.25 — Концерт. 17.55 — Мультфильм. 18.05 — СССР Давлат академик Большой театрининг духовой оркестри чалади. 18.20 — «Китлар кетаётганда». Бадиий фильм. 19.35 — Дунё воқеалари. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 22.00 — Композитор А. Пахмутованинг авторлик кечаси. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Каштачилик санъати. 10.05 — Итальян тили. 10.35 — Н. А. Римский-Корсаков. 11.35 — О. Берггольц поэзияси. 12.45 — Инсон қўшиқ ортидан боради. 13.05 — Бир картина музейи. 13.35— Мультфильм. 13.55 — Концерт. 14.45 — Ҳужжатли фильм. 14.55 — Янгиликлар. 15.00 — «Илк қувончлар». Бадиий фильм. 2-қисм — «Ғалати ёз», 7-серия. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Конькида югуриш. Жаҳон чемпионати. 19.30 — Э. Григ. Лирик сюита. 19.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — СССР Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хори ҳузурида меҳмонда. Кўрсатув тугагач — Время. 22.00 — Баскетбол. СССР чемпионати. 24.00 — «Овоз». Бадиий фильм. 01.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 17.05 — Мультфильм. 17.25 — Фильм-концерт. 17.50 — Нур таратган соҳибалар. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Кўрсатув тугагач — Время. 22.00 — «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 3-серия. 23.10 — Фильм-концерт.

6 март, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Г. Арутюнян чалади. 9.50 — Спортлото. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Кинофиша. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.15 — Камалак. 15.45 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 16.45 — «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Якшанба кинозали. 20.00 — «Ўйинчоқ». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 23.05 — Экран усталари. Любовь Виролайнен. 00.05 — Янгиликлар. 00.10 — Салом, Медео!

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Сиз яратган боғ. 9.20 — Портретлар. 10.25 — Илмий-оммабоп журнал. 11.25 — Ўқитувчи дарсига... 12.00 — Оламга саёҳат. 13.00 — Иқтисодий билимлар асослари. 13.30 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.30 — Янгра, гармонь! 15.45 — Мультфильм. 16.05 — Рус романси. 17.00 — Конькида югуриш. Жаҳон чемпионати. 18.00 — Узоқ Шарқ. 18.10 — Фильм-спектакль. 19.40 — Мультфильм. 19.50 — Музикали фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 —Енгил атлетика. Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.00 — Балетмейстерлар ва балет артистлари Бутуниттифоқ конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. Танаффусда — Табиат билан ҳамжиҳатликда.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Биргаликда куйлаймиз. 9.55 — «Порлоқ нур сари». Бадиий фильм. 11.20 — Ўзбек киноси билан танишмисиз? 12.05 — Мультфильм. 12.20 — Инсон ва табиат. 12.50 — Тенгдошлар. 13.35 — Уй қандай қурилади? 14.05 — Бахши шоирлар ва халқ созандаларининг телевизион конкурси. 15.15 — Реклама. 17.45 — Ота-оналар университети. 18.15 — Болалар учун фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Мунножот». 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Ёшлик. 23.15 — Фильм-концерт.

УзТВ-II. Душанба. 18.00 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Хотирот. 20.00 — Ахбор. 20.15 — «Минархарлик Жўра овчи» Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Саодат Саломова рақсга тушади. 22.35 — «Цирк маликаси». Бадиий фильм, 1-серия.

• ЯКШАНБА САҲИФАСИ • — • ЯКШАНБА САҲИФАСИ •

ҚУЁШ МАШИНАЛАРНИ БОШҚАРАДИ

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!

Гелиофикация иборасини ҳозирча энциклопедиялардан ҳам топиб бўлмайди. Ваҳолонки, у ҳаётимизга чуқур кириб боряпти. Гап одамлар асрлар оша орзу қилиб келган қуёш энергиясидан фойдаланиш хусусида боряпти. Ана шу йўналишда дастлабки қадам қўйилди. Қуёш энергияси одамларга хизмат қила бошлади.

Келгусидаги режалар яна да қувончли. Гелиоқурилмаларнинг навбатдаги туркумлари денгиз сувларини чучуклаштиришда, чўл ва қўриқ ерларда ер остидан сув чиқаришда, ишлаб чиқариш корхоналари ва уй-жойларни иситишда ёрдам беради. Қуёш нури ёрдамида овқат пиширш, сабзавот ва озуқа экинларини теплицаларда етиштириш мумкин. Булар нинг барчаси бугунги кунда оддий ҳақиқатга айланиб қолди. Эндиликда қуёш энергияси ёрдамида ҳатто металлар ҳам эритиляпти.

Саксонинчи йилларнинг бошларида Ўзбекистонда истиқболли тармоқ —гелиометаллургияга асос солинди. Айнан республикада ўта тоза, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар тайёрлаш мақсадида қуёш печлари ўрнатилди. Улар бугунги кунда жуда зарур, эртанги кунимиз учун эса янада зарур бўлади. Тўғри, олимларимиз бундай материалларни лаборатория шароитида тайёрлашни ҳам ўрганиб олгандилар. Лекин жуда оз миқдорда, бунинг устига уларни тайёрлаш жуда қийин, айрим ҳолларда мураккаб кечмоқда, таннархи қимматлашиб кетяпти.

Қарийб 20 йил муқаддам Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Содиқ Азимов раҳбарлигидаги бир группа олимлар бир қаранда афсонавий туюлган ғояни амалга ошириш таклифи билан чиқдилар. Унинг амалга оширилиши не-не машаққатлар эвазига тайёрланаётган материалларни беминнат қуёш энергияси ёрдамида тайёрлаш имконини берарди. Ўша кезларда бу нарсага ҳеч ким ишонгиси келмасди. Кўпчилик, бу нарса камида XXI асрга борив амалга ошади, дерди. Лекин фаннинг юксалиши вақтдан ил. дамлаб кетди, Мутахассислар группаси ўз режаларини асослаб бериб, уни амалда татбиқ этишлари учун яна 8-10 йил вақт керак бўлди.

Технологик занжирнинг дастлабки босқичлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ўтказилди. Шундан сўнг илмий хулосаларни амалда синаб кўриш мақсадида тоғлиқ районларда жаҳонда ўхшаши йўқ дастлабки кичик гелиоқурилмалар ўрнатилиб, уларда тажриба ўтказилди. Дастлабки илҳомбахш натижалардан сўнг Тошкент область Паркент районининг тоғлиқ зонасида янги комплекс қурилиши бошлаб юборилди.

Танланган зона янги иншоот учун жуда қулай эди. Аввало, атмосферани ифлослантириши мумкин бўлган саноат корхоналари узоқда жойлашган, зонанинг ўзи сув сатҳидан баландда, климатологларнинг кўп йиллик кузатувларига қараганда, бу ерга эрта тонгдан кечгача қуёш нури тушиб туради. Демак, 54 метр баландликда жойлаштириладиган нур тутгич қурилмалар бутун кун давомида гелиопечга энергия етказиб бериши мумкин.

Ниҳоят, Тияншан тоғларида худди фантаст ёзувчилар тасаввуридаги мисоли ўзига хос ноёб объект қад ростлади. Бу — «Қуёш» деб номланган илмий-ишлаб чиқариш комплексидир.

Объектни барпо этишда Иттифоқимизнинг барча республикалари вакиллари фаол иштирок этдилар. Айни пайтда бу ерда ишлаб турган дастгоҳ ва приборлар Москва ва Ленинград, Киев ва Минск, Свердловск ва Новосибирск шаҳарларидан келтирилди. Комплекс макети ва қурилишга назар ташлар эканмиз, беихтиёр уларни ўз пайтида инсоният тафаккуридаги энг ноёб объект деб билинган Қозоғистондаги Бойқўнғир космодроми ва Москва яқинидаги Звёздний шаҳарчаси билан қиёслашга ҳаракат қиламиз. Космодром ҳам, космонавтлар шаҳарчаси ҳам ҳаётимизга сингиб кетган. Лекин республикада ишга туширилган ва айни пайтда фан-техника мўъжизаси деб аталаётган «Қуёш» комплекси беқиёсдир.

— Бўм-бўш ерда 45 миллион сўмлик иш бажарилди, — дейди республика қурилиш министри А. Мананников. — Тоғнинг қия чўққилари бўйлаб юзлаб минг тонна оғирликдаги конструкциялар, материаллар, механизмлар юқорига кўтарилди. Қарийб миллион кубометр ҳажмдаги тупроқ қазиш ишларини бажариш учун портлатиш ишларини амалга оширишга, қудратли техникаларни қўллашга тўғри келди.

Очиғини айтганда, мазкур объектни барпо этиш анча машаққатли бўлди. Унинг қурилиши бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи коллективлар иродасини, интилувчанлигини, маҳоратини ва ўзаро ҳамкорликда ишлаш қобилиятларини оғир синовдан ўтказди. Қурилишнинг бориши маҳаллий партия ва совет органларининг диққат марказида, СССР ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг доимий назорати остида бўлди. Бинобарин, мамлакатимизда бунга ўхшаш объект қурилмаган эди.

Шундай қилиб гелиофабрика ўзининг ижодий ва ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади. У сув сатҳидан қарийб минг метр баландликда қад ростлади. Бу зона сейсмик жиҳатдан актив зона ҳисобланади. Ваҳолонки, қурилиш жараёнида шишалар, алюминий ва электроника қурилмаларидан кўпроқ фойдаланишга тўғри келди. Жами 62 та ойнаванд қурилма махсус бетон террасаларда шахмат катаклари мисоли ўрнатилди. Ҳар бир гелиостат майдони 50 квадрат метрни ташкил этади. Қуёш нурининг тўпланиши ҳамда шишалар фокуси орқали махсус қурилмаларга ўрнатилиши қарийб 3000 даражали иссиқликни пайдо қилиш имконини беради. Ана шу иссиқлик ёрдамида ўта тоза материаллар олиш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда яратилган бу комплекс бир қатор ишларни амалга оширишга яшил йўл очиб беради. Масалан, автоном гелиоэнергетика қурилмаси синовлари муваффақиятли якунланди. Қуёшни кузатиб туриш системаси билан жиҳозланган унинг концентратори Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий приборсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик, техник бюроси мутахассислари томонидан, двигатели эса Тошкент физика-техника институти олимлари томонидан тайёрланган. Кўчма қурилма қишлоқ районларида электр энергияси ҳосил қилиш, сувни чучуклаштириш ва қудуқлардан чиқариб бериш, қорақўл теріларни қуритиш ва ҳатто узумдан майиз тайёрлашда инсонга кўмаклаша олади.

Гелиофикациянинг эртанги куни, истиқболи ҳақида нима дейиш мумкин? Келгусида мўлжалланган реал режалар жуда кўп. Лекин яқин кунларда амалга оширилиши мўлжалланаётган режалардан бири Ўзбекистонда қуёш-иссиқлик электр станцияси қурилишидир. У ҳам жаҳонда тенги ва ўхшаши йўқ ноёб иншоот бўлади.

Ш. ЗАИНУДДИНОВ,
«Строительная газета» мухбири. Мақола махсус «Совет Ўзбекистони» учун ёзилган.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Спортнинг фристайл тури оммавийлашиб бормоқда. Чанғичиларининг қорли қияликлар бўйлаб фигурали учишлари, акробатика ва балетга хос ҳаракатлар қилишлари мухлисларда қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент яқинидаги Чимён тоғи бағрида спортнинг мазкур тури бўйича ўтказилган мамлакат дастлабки чемпионати ҳам қизиқарли бўлди. Трамплиндан акробатик сакраш ва балетга хос нафосат кўрсатишда ғиғалик О. Исаков муваффақият қозонди. Қор уюмларидан иборат баланд-пастлик бўйлаб учишда киевлик С. Соколенко зафар қучди. Аёллар ўртасида эса сакраш бўйича минсклик С. Бондарчук, қор уюмларини «ишғол» этишда москвалик А. Вершинина ғалаба қозондилар. Тошкентлик Ирина Черникова момиқ қор узра ўзига хос балет тушишда маҳорат кўрсатди.

Суратларда: биринчи чемпионатнинг дастлабки чемпионларидан тошкентлик И. Черникова ва чанғичининг акробатик сакраши.

Ф. Қурбонбоев ва Р. Нуритдинов фотолари. (ЎзТАГ).

КОМАНДАМИЗ ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ

Канаданинг Калгари шаҳрида икки ҳафтадан бери давом этган қизғин ва ғ'муросасиз баҳслар ниҳоясига етмоқда. Бугун жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган моҳир спортчилар сўнгги медаллар учун курашадилар. Зеро, совет спортчилари якунловчи кун баҳсларига қадар пешқадамликни таъминлаб, очколар ва медаллар ҳисобини бойитиб олишди. Совет олимпиадачилари спортнинг ҳар бир турида маҳорат кўрсатишга, маррада, биринчи бўлишга интилишди. Айниқса чанғичиларимизнинг муваффақиятлари мухлисларни ҳайратга солмоқда. Улар ғолибларга мўлжалланган 17 медалдан қарийб 14 тасини қўлга киритиб, юксак натижага эришдилар.

20 километрга ўтказилган чанғичилар пойгасида ғолиблик супасининг учала поғонасини спортчиларимиз эгаллаши ҳам диққатга сазовор бўлди. Тамара Тихонова Олимпиаданинг катта олтин медалини қўлга киритган бўлса, унинг командадошлари Анфиса Резцова билан Раиса Сметанина кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди. Ленинградлик Дмитрий Васильев чанғи пойгаси ва мерганлик баҳси — биатлон бўйича маҳорат кўрсатиб, СССР терма командаси медаллар жамғармасига яна бир олтин соврин келтирди.

Совет хоккейчиларининг Олимпиада турниридаги учрашувларини мутахассислар юқори баҳоламоқдалар. Хоккейчиларимиз ўз группаларида саралаш учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказиб, мағлубиятни тан олмай, 10 та очко жамғаришганди. Саралаш ўйинларидан кейин фахрли ўринларни эгаллаган коллективлардан иборат кучли олти команда ўртасида ҳал қилувчи учрашувлар бошланди. Командамиз баҳснинг бу босқичида ҳам бўш келмай, мухлисларни қувонтирди. Биринчи учрашувдаёқ майдон эгалари — Канада хоккейчиларидан 5:0 ҳисобида устун келиб, мавқеларини мустаҳкамлаб олди. Спорт шарҳловчилари эса навбатдаги учрашувларда Финляндия командаси Чехословакия хоккейчиларига ютказиб, совет хоккейчилари Швеция командасидан устун келгудек бўлса, Олимпиаданинг олтин медали тақдири муддатидан илгари ҳал бўлади, деган тахминни қилишган эди.

Худди шундай бўлди. Хоккейчиларимиз Швеция командаси билан ўйинда ҳужумкорликка зўр бериб дарвозани етти марта ишғол этишга ва биргина шайба ўтказиб юборишга имкон топдилар. Чемпионликка даъвогарлардан саналган Финляндия хоккейчилари эса ЧССР командасига имкониятни бой беришди. Бу ўйинда 5:2 ҳисоби қайд этилди. Канада хоккейчилари эса ҒФР командасидан устун (8:1) келишди. Шундай қилиб, бугун бўладиган СССР — Финляндия учрашуви натижасидан қатъи назар хоккейчиларимиз 8 очко билан муддатидан илгари Олимпиада чемпиони бўлишди. СССР терма командаси мухлису мутахассислар ишончини оқлаб, халқаро майдондаги нуфузини яна бир бор оширди.

Ҳозир совет олимпиадачилари жамғарилган медаллар ҳисобида пешқадамлик қилмоқдалар. Спортчиларимиз жами 27 та медал тўплашди. Шундан 11 таси олтин, 9 таси кумуш, 7 таси бронза медалларидир. Вакилларимиз бугун бўладиган якунловчи баҳсларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, команда ҳисобида пешқадамликни бой бермасликка ҳаракат қиладилар, деб умид қиламиз.

● **ФУТБОЛ. Республикамизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон терма командаси футболчилари тўртинчи учрашувни Наманганда «Навбаҳор» коллективи билан ўтказишди. Халқаро ўртоқлик учрашуви майдон эгалари фойдасига (4:0) ҳал бўлди. Тошкентда эса «Пахтакор» Москванинг «Локомотив» коллективини қабул қилди. Ўртоқлик учрашувида дарвозалар даҳлсиз қолди.**

ПЛАКАТ ҚАЙТА ҚУРИШ ХИЗМАТИДА

Тожикистонлик рассом Валерий Манин ўзининг энг яхши плакатларини совет халқлари қардошларча дўстлиги мавзуига бағишлади. Унинг «Аҳил оила» деган иши республикаларо сиёсий плакат конкурсида энг яхши деб топилди. Конкурснинг иккинчи босқичи Тошкентда ниҳоясига етди.

«Ленинча халқлар дўстлиги билан кучлимиз» деган шиор остида ўтган бу конкурс бултур эълон қилинганди. Конкурсда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистондан уч мингдан кўп киши қатнашди. Уларнинг ишлари ленинча миллий сиёсат тантанасини акс эттиради, мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш моҳиятини очиб беради. КПСС Марказий Комитетининг «Плакат» нашриёти, иттифоқдош республикаларнинг нашриётлари энг яхши бадиий-сиёсий асарларни оммавий тираждa босиб чиқаради.

26 февраль куни Тошкентда конкурс қатнашчиларининг, кўргазмали агитация яратиш соҳасида ишловчи рассомларнинг семинари бўлиб ўтди. Улар орттирилган иш тажрибаларини бир-бирлари билан баҳам кўрдилар. Қайта қуриш шароитида бадий-сиёсий ижоднинг тараққиёт йўлларини белгилаб олдилар. **(ЎзТАГ).**

ҲАЖВ БУРЧАГИ — А. ЯХОНТОВ.

Прораб Азроилни қандай алдади?

(ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК)

Қоқ ярим кечада ошхонага сув ичгани чиққан прораб Олғирбеков Азроилни кўрди. У курсида ўтирар, одатдагидек пичоғини қайрарди.

— Уйғониб қолдингми? — деди у эшикда кўрқувдан қотиб турган Олғирбековга,— Қани, юр мен билан!

Олғирбеков ҳозир бир амаллаб йўлини топмаса, ўзига ҳеч ким ёрдам бера олмаслигини дарҳол тушунди.

— Йўқ, — деди у Азроилга, — сен билан бора олмайман. Йил охирлаб қолди, ишларим эса бошимдан ошиб ётибди. Уйни ўтган кварталда топшириш керак эди, биз эса пойдевор қўйиладиган чуқурни атиги бугун қазий бошладик. Кел, яхшиси сен билан шундай шартлашайлик: уйни топширишим билан жонимни олақол.

— Уйни қачон топширасан?

— Бир ойдан сўнг, — деди Олғирбеков, — мажбуриятимиз шунақа. Мана, ўқи!

Азроил мажбуриятни ўқиб чиққач, прораб алдамаётганлиғига амин бўлди.

— Хўп, майли, — деди у, — сенингча бўла қолсин.

Азроил бир ой ўтказиб яна келди.

— Хўш, қани, уй тайёрми?

— Сени қара-ю, мунча тез келмасанг! — жавоб берди Олғирбеков. — Бинонинг биринчи ғиштини қўйганимизга бор-йўғи бир ой бўлди. Сен бўлсанг... уйни топшир эмиш. Ярим йилдан кейин кел, ўйлашиб кўрармиз.

— Мажбурият-чи, мажбурият нима бўлади? — сўради Азроил.

— Бунинг сенга ҳеч алоқаси йўқ. Сенинг ишинг уйни топширгунимизча кутиш.

Ярим йил ўтди. Азроил яна Олғирбеков ҳузурига келди.

У бўлса:

— Намунча шошмасанг, ёв қувяптими? — дея жавоб қилди. — Уйнинг деворларику тикланди-я. Бунинг учун тортишиб ўтирмайман, ал батта. Бироқ ҳали унинг полини қоқиш, электрлаштириш... Билмадим қачон бўшаркинман бу юмушлардан. Хабар олиб тур!

Азроил Олғирбеков ҳузурига кўп қатнади. Озиб кетиб, шумшайиб қолди. Пичоғини ҳам зўрға кўтариб юрадиган бўлди бечора.

Прораб бўлса ҳамон ўз билганидан қолмасди:

— Комиссия эрта-индин кеп қолади. Ана ўшандан сўнг олиб кетарсан мени.

Азроил бир қанча муддат нафасини ростлаб олишга қарор қилди. Бир йил ичида Олғирбеков ҳузурига бирор марта ҳам бормади.

Ниҳоят яна келди:

— Хўш, қани, бўлдими комиссия?

— Бўлди.

— Нима деди?

— Ҳеч нима. Уйни қабул қилмади. Мана акт! Атайлаб сенга кўрсатиш учун сақлаб қўйганман... Ўқидингми? Ана энди бу ердан бир туёғингни шиқиллатиб қолчи!..

Прораб Олғирбеков илгаригидек соғ-саломат, у ҳаммага омонлик тилайди.

Русчадан О. НАЗАРОВ таржимаси.

✦ ФАКТ ВА ШАРҲ

ОРОЛ ДЕНГИЗИГА МАДАД БЎЛСИН ДЕБ...

Толимаржон сув омбори 1986 йилда фойдаланишга топширилган эди. Ўзбекистон ва Туркманистон чегарасида бунёд этилган бу сув омборидаги оби ҳаёт биринчи марта лойиҳада белгилаб қўйилган даражага етди, унда бир миллиард 525 миллион куб метр Амударё суви тўпланди. Бу 200 минг гектар қўриқ ерни суғоришга етади.

Даштдаги ана шу дengизнинг саҳни 72 квадрат километрга тенг бўлиб, сувни 50 қаватлик уй баробар баландликка қудратли насос станциялари кўтариб беради. Ҳар бир секундда сув омборига 200 тоннагача обиҳаёт тушиб турди.

Қашқадарё области (ЎзТАГ мухбири).

* * *

Бу хабарни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги эксплуатация бош бошқармасининг бошлиғи И. П. Аленов шарҳлайди:

— Бу йил Ўзбекистон сув хўжалигидаги вазият ҳар қачонгидан кўра қулай келмоқда. Ҳали кўкламги ёмғирлар бошлангани йўқ. шундай бўлса ҳам республика хўжаликларини оби ҳаёт билан таъминловчи 30 та катта сув омборида қарийб 46 куб километр сув тўпланди. Уларнинг батамом тўлиши учун яна 9 куб километр сув керак. Кузда ва қишда ёғингарчилик кўп бўлгани яхши бўлди, албатта, аммо ўтган мавсумда ҳам сувдан оқилона фойдаланилганлигини айтиб ўтиш керак, ўша мавсумда кўпгина системаларда сув запаслари қолган эди.

Кўп йиллардан буён биринчи марта анчагина ирригация системаларини лойиҳада белгиланган даражада тўлдириш имконияти пайдо бўлди. Масалан, республикаларо аҳамиятга эга бўлган, жумладан республикамизга ҳам сув етказиб бераётган Тўқтағул сув омборида ҳозирнинг ўзидаёқ 14 миллиард куб метрдан кўпроқ сув бор. Икки рақамни солиштириб кўрайлик: сув кўп бўлган ўтган йилда ҳам бу омборда бор-йўғи 4,5 миллиард куб метр сув йиғилган эди.

Шу нарса равшанки, яқин орада сунъий денгизларимиз тўлиб-тошиб кетади. Шунинг учун ҳам сув хўжалиги ходимлари сувнинг бир қисмини оқизиб юборишни мўлжаллаб турибдилар. Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида музлар эриши билан — март ойининг биринчи ўн кунлигида шундай қилмоқчимиз. Акс ҳолда сув тошқини бўлиши мумкин. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ Орол денгизига бир неча миллиард куб метр чучук дарё суви қуюлади, деб дадил айтиш мумкин.

(ЎзТАГ).

• *Санъатга ошифталар*

САДОЛАР ТЎЛҚИНИДАГИ ҲАЁТ

Шаҳарга байрам кайфияти таралди. Кўчадан байрам марши чалиб ўтаётганлар Марғилон шаҳридаги Алишер Навоий номли педагогика билим юртининг қизлар духовой оркестри эди.

Сервер Абдураҳманов одамларга ана шундай байрамона завқ-шавқ бағишлаш сеҳрига эга духовой оркестрнинг раҳбари. У республикада биринчи бўлиб ўзбек қизлари духовой оркестрини ташкил қилди.

— 1967 йилда Фарғона музика билим юртини тугатиб маданият муассасаларида ишлаб юрдим, — дейди у. — Болалигимдан духовой оркестр куйларини яхши кўраман. Чунки бу оркестр ижросидаги куйлар одамга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлайди.

1977 йили С. Абдураҳмановни А. Навоий номли Марғилон педагогика билим юртига ишга таклиф қилишди. Янги музика ўқитувчисининг «Билим юртида духовой оркестр ташкил қиламиз» деган таклифига аввалига айрим педагоглар елка қисишди. Ўзбек қизларининг духовой оркестрда қатнашганлигини кўрмаганмиз, дейишди улар. Бироқ қатъиятли ўқитувчи ўз талабаларига духовой оркестрга меҳр туйғусини сингдира олди.

Оркестр ижросидаги «Жонажон Ўзбекистон», «Наврўз ялласи» каби ўзбек куйлари тингловчиларга жуда маъқул бўлди. Ўша йилнинг ўзида оркестр Наманган шаҳрида бўлиб ўтган педагогика билим юртларидаги республика бадиий ҳаваскорлик кўригида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Энди гина ташкил топган оркестрнинг бу муваффақияти унинг раҳбари С. Абдураҳманов меҳнатига берилган муносиб баҳо эди.

Духовой оркестр шундан сўнг область марказидаги, Марғилон шаҳри ва атроф районларидаги меҳнат коллективларида, колхозчилар, ҳузурида тез-тез бўлиб, ларга концертлар қўйиб берди. 1982 йили бу оркестр музика санъатини пропагандa қилишдаги хизматлари учун область Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди.

— Ўқишга қабул қилинган қизлар орасидан қобилиятли, музикага ихлосмандларини танлаб таълим берамиз, — дейди Сервер ака. — Мана ҳозир Дилбар Ортиқова билан Масъуда Абдуллаевалар трубада, Саида Мамажонова тенорда, Р. Сулаймонова кларнетда чиройли куйлар чалишни ўрганиб олишди. Яқинда духовой оркестр ижросидаги қадимий ўзбек куйи «Қаринаво»ни ижро этишни ўзлаштирдик.

Оркестр қизлари ижро этган куйлар тингловчиларга манзур бўлмоқда.

А. ИБОДИНОВ.

• *Ташвишли сигналлар*

Ҳали портламаган...

ҚАРШИ. (ЎзТАГ мухбири **В. ШУМАЙЛОВ**). Совхозга мўлжалланган сафаримни шошилинч тўхтатиб, Қарши — Нишон йўлининг 8-километридан телетайп ёнига қайтишга мажбур бўлдим. Қувур портламасидан олдин қайтиш зарур эди.

Тош йўл ёқасидаги оловлар шуъласи машинани орқага буришга мажбур қилди. Ўтиб кетаётган икки-уч автомобилни тўхтатиб, газқувири тешикларидан чиқаётган газ ёнаётганлигини аниқладим. Ўша тош йўлнинг ўнинчи километрида ҳам аҳвол шундай. Қувурдан чиқаётган газ ёнаётганига бир неча ҳафта бўлибди.

Маҳаллий чўпонлар чўлда қуриб қолган ўт-ўланни одатда ёқиб юборишади. Ана шунда қувурдан чиқаётган газ ҳам ўт олиб кетган экан. Кўп йиллар аввал «Каршистрой» бошқармаси ётқизган 26 километрли Қарши—Нишон қувури яроқсиз ҳолга келганлигини, тузук изоляция қилинмаганлигидан қават-қават занг босиб кетган қувур тешилиб, ундан газ чиқиб кетаётганлигини чўпонлар билишмасди, албатта.

Маълум бўлишича, газ қувури эгасиз бўлиб қолибди. Унга эга бўлган «Каршистрой» (бошлиғи С. Чегебоев) юқори ташкилотларнинг кўрсатмасига мувофиқ линияни «Кашкадарьяобгаз» бошқармаси (бошлиғи С. Ҳамроев) балансига топшириши керак экан. Лекин бундан олдин 21,6 километр қувурни янгилаш лозим бўлган, аммо бултур йил бўйи атиги 3 километри янгиланибди, холос. Шунинг учун ҳам газчилар трассани қабул қилиб олишмаган, «Каршистрой» эса қўлдан чиқиб кетадиган нарсани ремонт қилишга унча ошиқмаяпти ҳам.

Газ бўлса ёниб ётибди. Унинг портлаб кетишига неча кун, соат, минут қолганлигини ким билади дейсиз?

Буни ҳеч ким билмайди. Лекин бир вақтлар келган расмий ҳужжатни, шу жумладан унинг номини яхши билишади. Шуниси ажойибки, ўша ҳужжат «Ўзбекистон ССРда газ хўжалигидан фойдаланиш хавфсизлигига доир қўшимча чоралар тўғрисида» деб аталади.

Автомактаблардаги камчиликлар

ДОСААФ Сирдарё область комитети автомактаблари ва спорт-техника клубларининг барча курсантларидан учдан бир қисмигина битирув имтиҳонларидан ўта олди. Шундай бўлгач, область автоинспекциясининг ходимлари бу аҳволнинг сабабларини аниқлашга қарор қилдилар. Автомашина ҳайдовчилари тайёрлайдиган ўқув юртлари раҳбарларининг қоғозлари ва ҳисобот ҳужжатларида ҳамма иш сип-силлиғу, лекин амалда эса... Ҳаммаёқ «ўнқир-чўнқир» бўлиб чиқди.

Область автомактаблари ва спорт-техника клубларининг техника билан дуруст таъминланмаганлиги бунга биринчи сабабдир. Масалан, Ворошилов районидаги спорт-техника клубида бўлғуси ҳайдовчиларга амалий дарс бериш учун биргина автомобиль бор, холос, у ҳам бўлса қисм-қисмларга бўлиб юборилган. Машғулотларга қатнашнинг бўшлиги иккинчи бир сабаб ҳисобланади. Ўша Ворошилов район спорт-техника клубидаги машғулотларга курсантларнинг ярмигина қатнайди, холос. Янгиер спорт-техника клубида эса баъзи муаллимлар умуман ўтказилмаган машғулотлар сони тўғрисида ҳисоб беришда сира уялмяптилар.

Лекин область ГАИ бошлиғи Ш. Алашовнинг фикрича, муаллимлар интизомининг пастлиги ва профессионал тайёргарлигининг озлиги ҳайдовчилар тайёрлашда энг катта камчиликдир. Бултур область ДОСААФи ходимларидан юздан ортиқ киши йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ушланганининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Г. ОГОРОДОВ, ЎзТАГ мухбири.

БУ ТУРФА ОЛАМ

ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИ ЙИЛИ

● **Франция пойтахтида «Эйфель минорасининг миллий йили» очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Франция президенти Франсуа Миттеран ана шу йил бошланганлигини эълон қилди. Гюстав Эйфель лойиҳаси бўйича яратилган жаҳонда машҳур инженерлик иншоотининг юз йиллиги келаси йил да нишонланади. Бироқ миноранинг қурилиши 1888 йилда бошланганлиги ҳисобга олиниб, бу йилни «қари хонимнинг» расмий йили деб эълон қилиш қарори қабул қилинди. Ҳар йили жаҳоннинг турли мамлакатларидан 4 миллионгача турист Эйфель минорасига ташриф буюрмоқда. Шунинг учун ҳам унинг техникавий ҳолатига катта эътибор берилмоқда. Беш йил муқаддам ўтказилган катта таъмирлаш ишлари натижасида минора тахминан минг тоннага енгиллашди. Кечки ёритишнинг янги системаси ўрнатилди, ҳозир у Парижнинг исталган нуқтасидан кўринадиган биллур саройни эслатади.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Ҳамма нарсани билишни истайман! 9.45 — Спортлото. 10.00 — Будильник. 10.30— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Ералаш. 12.15 — Музикали киоск. 12.45 — Қишлоқ янгиликлари. 13.45 — Здоровье. 14.30 — Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 16.00 — «Каролинанинг кумуш ипи». Бадиий фильм. 17.30 — Мультфильмлар. 17.50 — Объектив. 18.30 — Шеърият лаҳзалари. 18.35 — Халқаро панорама. 19.20 — Фигурали учиш. 20.20 — Тоқатсизлик ёки кинода ишлаш қандай? 21.30 — Время. 22.05 — Х. Фелисиано концерти. 23.00 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 24.00 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.50 — Онамларнинг мактаби. 9.20 — Портретлар. 10.20 — Социология: саволлар ва шарҳлар. 11.00 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 12.25 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Достоевский расмлари. 21.05 — Реклама. 21.10 — Камалак. 21.30 — Время. 22.05 — «Мухинни уйготинг». Бадиий фильм. 23.25 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Кунларимиз хроникаси. 10.30 — Биргаликда куйлаймиз. 10.50 — «Одам-амфибия». Бадиий фильм. 12.20 — Адолат Акбарова рақсга тушади. 12.45 — Туркистон Компартиясининг 70 йиллигига. 13.00 — Дўстлик экрани. 14.00 — Тунги информацион — дам олиш программаси. 15.30— ДОСААФ — мардлик майдони. 16.00 — Қўли гул кишилар. 16.10 — Реклама. 16.30 — Китоб — бизнинг дўстимиз. 17.30 — Санъат оламида. 18.00 — Ота-оналар университети. 18.30 — Халқ чолғу асбоблари ва баян ижрочилиги бўйича ёш созандалар V республика конкурси лауреатларининг концерти. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ чолғу асбоблари ва баян ижрочилиги бўйича ёш созандалар V республика конкурси лауреатлари концертининг давоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк! 21.30 — Время. 22.05 — Ахборот танқид қилади... 22.20 — Санъат усталари.

• *Тингланг, томоша қилинг*

28 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.15 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 14.00 — Телевизион музикали абонемент. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — И. Стравинский. Скрипка ва оркестр учун концерт. 15.40 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 18.55 — «Ўрмон бинафшалари». Бадиий фильм. 20.30 — Халқ ансамбларининг концерти. 13.00 — Чорвадор. 13.30 —К. И. Шульженко ёзувлари янграйди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — «Афсона яратган қиз». Спектакль. 16.55 — Санъатим — садоқатим. 18.15 — Ҳозирги босқичда ғоявий кураш. 18.30 — Микрофон олдида сиз ёқтирган ижрочилар. 19.20 — Ешлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.45 — Яллалар ва рақслар. 21.15 — Табассум. 22.45 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 10.15 — С добрым утром! 11.30 — Студент ва ёшларнинг талабларига бинoан концерт. 12.20 — Ўзбекистон транспорти. 12.30 — Халқ ансамблларининг концерти. 13.00 — Чорвадор. 13.30 —К. И. Шульженко ёзувлари янграйди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — «Афсона яратган қиз». Спектакль. 16.55 — Санъатим — садоқатим. 18.15 — Ҳозирги босқичда ғоявий кураш. 18.30 — Микрофон олдида сиз ёқтирган ижрочилар. 19.20 — Ешлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.45 — Яллалар ва рақслар. 21.15 — Табассум. 22.45 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р. — 08568. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 49. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12